ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. ... ЎзССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 160 (8. 358) ◆ 1993 йил 8 сентябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Мамлакатингизнинг мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукуматига ва халқиға самимий табрикларим ва энг яхши истакларимни йўллайман. Кези келганидан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз низомининг принциплари ва мақсадларига содиқ қолган ҳолда бундан буён ҳам тинчлик ва барқарорликни сақлашга, осойишталик ва адолатга, жаҳон халқлари интилаётган барча эзгу ниятларга эришишнинг ишончли воситаси бўлиб хизмат қилишига амин эканлигимни баён этаман.

Жаноби олийлари, ушбу табрикни Сизга юксак ҳурматимнинг белгиси, деб қабул қилгайсиз.

Бутрос ҒОЛИЙ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби,
Нью-Йорк

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами берган бахтли имкониятдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига Швейцария ҳукумати номидан самимий табрик ҳамда шахсан Сизга бахт-саодат ва ўзбек халқига фаровонлик тилаб билдирган истакларимни йўллайман.

Адольф ОГИ,
Швейцария конфедерациясининг Президенти.
Берн, 1993 йил 1 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р. В. АБДУҚОДИРОВГА ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларида фаол иштирок этгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятининг мудири Равил Ваҳобович Абдуқодировга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 7 сентябрь.

Тошкент шаҳар трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида кўплаб моҳир тўқувчилар ва тикувчилар меҳнат қилишади. Зимфира Абдушахмонова шундай фидойилардан биридир.

СУРАТДА: Зимфира Абдушахмонова тўқув дастгоҳи ёнида.
Абдувоҳид Тўраев сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯСИ НЕФТЬ ВА ГАЗ КОРХОНАЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, нефть ва газ саноатини ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Боқиев Қурбон — «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бошқармаси Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводининг оператори, Фарғона вилояти

Маманов Жуманазар Бозорович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Жарқўрғон-нефть» нефть конлари бошқармасининг нефть ва газ қазиб олиш 1-участкаси технологи, Сурхондарё вилояти.

Назаров Ризо — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Муборакгаз» газ конлари бошқармасининг «Муборак» нефть кони электр ва газпайвандчиси, Қашқадарё вилояти.

Саидов Саид Раҳимович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Қаршинефть» нефть конлари бошқармаси қудуқларни таъмирлаш цехининг катта устаси, Қашқадарё вилояти.

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Акбаров Исоқ Шарипович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Муборакнефтгазмонтаж» трестининг бошқарувчиси, Қашқадарё вилояти

Иброҳимов Нозим Абдураимович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Бухорогазсаноатқурилиш» трестининг 7-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Йўлдошев Озод Маткаримович — «Ўзтрансгаз» давлат бирлашмасининг «Урганчтрансгаз» магистрал газопроводи линияси Заунғур газ узатиш корхонасининг бошлиғи, Хоразм вилояти

Мажитов Умар — «Ўзнефтегазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси 1-қурилиш участкасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мамасодиқов Усмон — «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси бош технологининг ўринбосари, Фарғона вилояти

Маҳмудов Нажим Исломович — «Ўзнефтгазинспекция»нинг газдан фойдаланишни назорат қилиш бўйича ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Маҳмудов Назим Ҳамидович — «Ўздавнефтмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси нефть маҳсулотлари таъминоти Тошкент вилояти корхонаси автоколоннасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мақсудов Қамбарали — «Ўзтрансгаз» давлат бирлашмаси «Шимолий сох» ерости газ омборхонаси станцияси оператив-ишлаб чиқариш хизматининг катта устаси, Фарғона вилояти

Ражабов Жўра — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси 5-механизация бошқармасининг чилангари, Тошкент шаҳри

Рамазонов Карим — «Ўзнефтгазқазиболиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Ўзбекбургаз» трести бурғулаш ишлари Бухоро бошқармасининг бурғулаш устаси, Бухоро вилояти

Сафаров Рустам Жамолович — «Нефтгазфан» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилиш бўлимининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Синдоров Алишер Лапасович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» трести муборак қурилиш-монтаж бошқармасининг қоришма қуювчиси, Қашқадарё вилояти

Хомик Светлана Алексеевна — «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг кимёвий анализлар лаборанти, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 сентябрь.

ЯГОНА РУБЛЬ МИНТАҚАСИ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ

7 сентябрь куни Россия федерацияси ҳукумат уйида Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ҳамда миллий банкларининг вакиллари «янги турдаги рубль минтақасини яратиш бўйича амалий чоралар ҳақида» битим имзоладилар.

Ана шу ҳужжат асосида яқин вақт ичида унга қўл қўйган олти давлат ягона пул тизимининг амал қилиши ҳақида икки томонлама битимлар имзолайди. Айни пайтда давлатлар бюджет, кредит, бож сиёсатларини келишган ҳолда амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Битимни имзолаш маросими якунида Россия федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдин МДҲ мамлакатларининг иқтисодий иттифоқини яратиш йўлида дастлабки жиддий қадам қўйилганини таъкидлади.

Битимга имзо чеккан олти давлат ҳукумат раҳбарлари баёнот қабул қилдилар. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Эришилган келишувлар давлатларнинг аҳолиси ва корхоналари ўртасидаги анъанавий хўжалик ва бошқа алоқаларини сақлаб қолишга шарт-шароит яратади. Қисқа вақт ичида имзоланадиган икки томонлама битимларда янги рубль минтақасининг шартлари белгиланади, пул-кредит муносабатлари соҳасидаги қонунчиликни яқинлаштириш ва бир хил қилиш механизмлари ишлаб чиқилади».

(ЎзА).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Бугун Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг «Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуининг илмий таъминоти» муаммоларига бағишланган сессияси иш бошлади. У уч кун давом этади.

● Самарқандда Самарқанд вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва Қирғизистоннинг Бишкек шаҳри ҳокими Жумабек Иброимов бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини ҳал этишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоладилар.

● «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида полиамид янги маҳсулотини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ундан юзга яқин камёб маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

● Жиззах шаҳрида юз нафар ўқувчи таълим оладиган биринчи турк-ўзбек лицейи тантанали вазиятда очилди.

● Бухорода 4 минг квадрат майдонни эгаллаган улкан бозор фойдаланишга топширилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Бугун Туркия Республикасининг Бош вазири Тансу Чиллер хоним расмий ташриф билан Москвага келди.

● Туркманистон АҚШ, Англия, Хитой, Германия, Бельгия, Франция, Ҳиндистон, Покистон ва Руминияда ўз элчихоналарини очишга қарор қилди.

● Август ойида Россияда пулнинг қадрсизланиши 29 фоизни ташкил этди. Йил бошидан эса бу кўрсаткич 480 фоизга етди.

● Бугун Алматида Евроосиё мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари раҳбарларининг анжумани очилди.

● Бу йил Туркманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1 миллион 350 минг тонна пахта йиғиштириб олишлари керак. Пахтазорларни самолётдан суратга олиш ва бевосита далаларда ҳосилни чамалаш натижасида ана шу мўлжалга келинди.

ХОРИЖДА

● Россия мудофаа вазири Павел Грачевнинг Америка Қўшма Штатларига тўрт кунлик расмий сафари бошланди.

● Бугун Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Кобулга келади. Бу ерда тожик-афғон чегарасидаги аҳвол муҳокама этилади.

● Август ойининг ўзида Исроилга собиқ СССРдан 6200 нафар киши доимий яшаш учун кўчиб келди.

● Жанубий Кореянинг 1167 нафар давлат хизматчиси, депутатлар ва генераллар ўз мол-мулкларини газеталарда ошкор эълон қилдилар. Бу уларнинг моддий аҳволи тўғрисида хулоса чиқариш ҳамда бу мол-мулкнинг ҳалол ишлаб топилганлигини жамоатчиликнинг ўзи баҳолаши мақсадида қилинди.

● Жаҳонда машҳур Швециянинг «Вольво» ва Франциянинг «Рено» фирмалари 1994 йил 1 январдан бошлаб бирлашишларини эълон қилдилар. Бу янги концерн «Рено-Вольво» деб номланадиган бўлди.

● 7 сентябрга ўтар кечаси Грузиянинг собиқ президенти Звиад Гамсахурдиа тарафдорлари бўлган 200 кишидан иборат қуролли отряд Зугдидидан Гали шаҳрига кирди. Ва бу ердаги барча асосий маъмурий биноларни эгаллади. Бу ҳақда Абхазия Вазирлар кенгаши раиси девони ҳузуридаги давлат маслаҳатчиси Шамиль Цхакая баёнот берди.

● Ҳиндистоннинг Олий суди Агра шаҳри атрофидаги 212 та саноат корхонасини бекитиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу мазкур ерда жойлашган, Ўрта асрнинг ноёб тарихий-меъморий ёдгорлиги ҳисобланган Тож Маҳалга ана шу корхоналар томонидан зиён етказилаётганлиги сабабли қилинди.

● Сурия билан Ливан ҳозир Вашингтонда давом этаётган араб—исроил музокараларининг навбатдаги босқичда бу давлатлар билан Исроил ўртасида бирон ижобий натижага эришилмаганлиги ҳақида баёнот бердилар.

● Коста-Рика пойтахтида Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатлари раҳбарлари рафиқаларининг ҳар йилги анъанавий учрашуви очилди. Учинчи марта ўтказилаётган бу учрашувда 24 давлат раҳбарларининг рафиқалари оила муаммолари юзасидан фикр алмашмоқдалар.

● Япония кўп умр кўрувчилар сони бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакат соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги эълон қилган маърузага кўра, бу ерда ҳозир ёши 100 йилдан улуғ бўлганларнинг сони 4802 нафарни ташкил этар экан. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг 80 фоиздан кўпроғи хотин-қизлардир.

● Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун ФИДЕ раҳбарлигида ўтказилаётган мусобақада Анатолий Карпов биринчи учрашувда қора доналар билан ўйнаб, ғолиб чиққан бўлса, кеча голландиялик гроссмейстер Ян Тимман ҳисобни тенглаштирди. Англияда чиқадиган «Таймс» газетаси ўтказаётган жаҳон биринчилигида эса Гарри Каспаров биринчи учрашувда инглиз гроссмейстери Найжел Шортни мағлубиятга учратди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН КУНДАЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Халқаро банклар анжуманида иштирок этаётган хорижий меҳмонлар 5 сентябрь куни Ўзбекистон геология музейида бўлдилар. Республика Геология давлат қўмитаси раиси Т. Шоёқубов меҳмонларга Ўзбекистон заминининг бойликлари, уларни қазиб олишда чет эл фирмалари билан қилинаётган ҳамкорлик хусусида сўзлаб берди.

Маълумки, Ўзбекистонда маъданли хомашёнинг ҳаёга яқин тури бор. 850 дан ортиқ фойдали қазилма конлари топилган бўлиб, улардан 290 таси саноат миқёсида ўзлаштирилган. Турли хил маъданлар ва рангли тошлар намуналари билан танишув меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни конференция иштирокчилари Тошкент вилоятининг Кўм Пен Хва номидаги корпорациясида бўлдилар, Чимён ва Чорбоғ дам олиш масканларига сафар қилдилар.

БАНКНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

6 сентябрь куни эрталаб анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги биноси барпо этиладиган жойга келдилар. «Ўзэкспомарказ» яқинида тикланаётган бу мажмуа Туркиянинг «Айсел» компанияси билан ҳамкорликда қурилмоқда. У учта 15 қаватли бино, аквапарк ва болалар боғи, тижорат марказ, бошқа ёрдамчи иншоотлардан иборат.

Мажмуа пойдеворига ёдгорлик қутичасини ўрнатиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков очди. Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Р. Фриман, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов, Туркиянинг «Айсел» компанияси вице-президенти Ахмет Ҳамди Аён Ўзбекистонда банк тизимининг равнақи, халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда қурилажак иншоотнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг эсдалик хати солинган темир қутичани меҳмонлар қўлма-қўл узатиб, Р. Фриманга топширдилар. У қарсаклар остида қутичани бино пойдеворига қўйди.

ХАЛҚАРО БАНК МАКТАБИ

6 сентябрь куни Тошкентда халқаро банк мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири, жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ректори С. Саидқосимов анжуманни очар экан, янги халқаро мактаб нафақат мамлакатимизнинг, балки Марказий Осиёда жойлашган барча давлатларнинг иқтисодий ривожланишида, дунё билан ўзаро алоқаларнинг янада кенгайишида катта аҳамият касб этади, деди.

Муассислар халқаро банк мактабини таъсис этиш ҳақидаги меморандумга имзо чекканларидан сўнг, анжуман қатнашчиларини бу қувончли воқеа билан табрикладилар.

— Ўзбекистонда халқаро банк мактабининг очилишидан ғоят мамнунмиз, — деди Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Рональд Фриман. — Ўйлайманки, ушбу мактаб талабалари ҳадемай дунёдаги энг йирик ва нуфузли банкларда тажриба алмашиш имконига эга бўладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов иштирок этди.

ВАКОЛАТХОНАЛАР ОЧИЛДИ

Шу куни республикамиз пойтахтининг Туроб Тўла кўчасида Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Дойче банк ҳамда Малайзиянинг «Мэйбанк» банки ваколатхоналари очилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов, Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти Р. Фриман, Дойче банк директорлар кенгашининг аъзоси Г. Крупп ва Малайзиянинг Берхад банки раиси Т. Ш. Ҳошим Омон сўзга чиқди.

Очилиш тантаналарида Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

СУРМАРАНГ водийлар, мудроқ далалар устидан тук оҳиста ўзининг замҳарир чодрасини ола бошлади. Тоғлар ортидан мўралаб чиққан қуёш бир лаҳза, бир лаҳзагина боқиб турдию кейин нурларини мудраётган олам узра сочиб юборди. Нурлар майсаларнинг чеҳрасидаги шудринг томчиларга илашиб, олтин исирғадек товлана бошлади.

Тонг отди, азизлар, тонг отди!

Ушбу тонг олам узра бонг урди: озод давлатлар силсиласида Ўзбекистон қуёшдек балқиб чиқди!

Шундан бери ҳар куни тонг отади. Ҳар бир тонг юртимиз узра бонг уради: Ўзбекистонни севган киши борки келажак сари белни боғланг!

Олам узра зумда тараладиган хушхабарлар жуда ҳам кўп. Таъбир жоиз бўлса бани башар Ўзбекистонга кўз тикиб, жон қулоғини бериб турибди.

Озод Ватанимиз тонглари эса бонг уради: Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли бор! Унинг истиқлоли абадий ва ўлмасдир!

Президентимиз Ислом Каримов хориждаги юртларга борганида юртимизнинг миллий байроғи ҳилпираб турибди, давлатимиз Мадҳияси жаранглямоқда. Тўғроси эса нақ ҳумодек парвозга шай! Чунки Ўзбекистон йиғилган қанотларини ёзиб, яна буюк парвозлар сари шайланмоқда.

Тонглар ана шулар ҳақида бонг урди.

«Ватан қадрини ғарибдан сўра», дейди халқимиз. Сабабки, киши бой-бадавлат яшасаю унинг Ватани бўлмаса, Ватани бўлсаю қул бўлса, унинг бағрини асрий ғам босиб ётаверади. Мирзо Бобурдек жаҳонга ларза солган зот ҳам кўзларини Самарқанд сари, Андижон сари тикиб, жон ришталарини узмишдир. Минглаб туркистонликлар хорижда яшар экан, ҳар лаҳза хушхабарга кўз тиккани рост.

** Биринчи саҳифадан сўз*

ТОНГ ОТДИ

Тонглар оламга бонг урди: ўзбекман деганнинг Ватани Ўзбекистон! Бу қадимий юрт, бағридан йиллар арғумоғининг беадад туёқ излари қолган бу муқаддас тупроқ бугун истиқлол тулпорига минди, Марҳабо, юртимиз тупроғи кўзингизга тўтиё, зиё бўлсин!

Саудия Арабистони, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, қўйингчи, Мағрибу Машриқдан Ватан деб дийдасидан ажралган, йиғлайвериб кўзларида ёш қолмаган ватандошлар юрт сари ошиқдилар. Уларнинг юзларидаги ҳасрат сояси йўқ энди. Нурланган кўзларидан ёш юмалади. Бу ҳасрат эмас, алам эмас, дийдор қувончи ёшлари эди.

Уларнинг тилидан «Ватан», «Истиқлол» деган сўзлари тушмас экан! Лекин қани ўзини билган инсон учун муқаддас бўлган Ватан? Уларга Ватани йўқлардек ачиниб, муомала қилишар экан. Бугун минглаб хориждаги ватандошларимизнинг бағрига шамол тегди. Текканда ҳам эрк шамоли тегди! Бугун улар киндик қонлари томган Қўқон, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган каби гулшан маконларни зиёрат қилдилар. Аввал ота-бобосининг киндик қонлари томган Ватан тупроғига фарзандларининг кўз ёшлари томди. Ниҳоят қисматнинг шўри ювилди.

Тонг отди, азизлар, тонг отди!

Бу тонг барчасидан кўра аълороқ, нурлироқ туюлди бизларга. Яна жаҳонга бонг урди бу тонг: кўринг, бани башар, кўринг, истиқлолимизнинг икки йиллик тўйини ўтказдик. Ушбу тонг халқимизнинг қадамлари ниҳоятда дадил, борар уфқи ёркин, манзили порлоқ эканини намойиш қилди.

Буюк аждодларимиз номи бизга деярли номаълум эди. Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Қубро, Хожа Аҳрор Валийларнинг табаррук таълимотларидан баҳраманд эмас эдик.

Тонгларимиз яна бонг урди: бу йил Хожа Аҳмад Яссавий йили! Буюк бобомиздан таълим олайлик, унинг хотирасига таъзим бажо этайлик!

Жаҳон аҳли яна бир бор ҳайратга тушди: биз йиллар уммони тубидан дуру жавоҳирларни териб ола бошладик. Ҳар бир дур инсонийлик сабоғи эди. Сабоқлардан эса бир олам маъно уқа бошладик.

Мирзо Бобур юртидан кўзда ёш билан чиқиб кетганида ўн олти ёшлик ўспирин эди. Не-не жангу жадалларни, ҳарбу зарбларни кўрган, ҳинд тупроғида адолат ва мурувват машъалларини ёққан ҳазрат бугун 510 ёшида Ўзбекистонга табассум билан ташриф буюрмоқда. Ҳур Ватанига, озод тупроғига эркаланиб қадам қўймоқда...

Нодирабегимнинг чеҳрасидаги маҳзунлик йўқ бугун. Бугун унинг чилвир сочларига минг битта ғазал битиб, ардоқламоқда халқимиз. Зулм, диёнатсизликнинг қурбони бўлган мумтоз шоира эрк, ҳурлик диёрида ўз тантанасини ўтказмоқда!

Тонг отди, азизлар, тонг отди!

Бу тонгимиз оламда ўзбекнинг ўзлиги буюк эканини, ўз сўзини елга бермаслигини яна бир бор намоён қилди. Мустақиллик майдонида бўлган қутлуғ тантаналарни ҳаммамиз жуда кўп вақтлар унутмаймиз. Чунки ушбу тантаналарга Соҳибқирон Темур ҳазратлари, Мирзо Улуғбекдек замона марди ва мунажжими ташриф буюрди! Уларнинг пойқадами хуш келиб, тантаналаримизнинг авжи фалакка етди.

Яна бонг урди бу тонг: Ўзбекистон келажаги буюк давлат! Унинг эртаси ниҳоятда порлоқ бўлади. Унинг эртаси бир олам нурга тўлади. Халқимизнинг азму қарори шундай.

Тонглар бонги аро аччиқ ҳақиқатлар ҳам бор. Лекин уларнинг ҳам оқибати тез тузалгуси, Оролдек олтин косамиз сувга тўлгуси, юртимиз наинки фақат пахта, балки боғ-роғлар, яйловлар юрти деб ҳам алқанишига ҳеч кимда шубҳа қолмади бугун.

Тонгларнинг мадҳи бонгларга қўшилиб таралади бугун. Шоиру шуаролар, олиму уламолар юртимиз таърифига мос сўз излаб топмоқлари мушкул. Сабаби бу шиддатга, бу шижоатга, бу иштиёқу нурли келажакка муносиб сўз айтиш душвордир.

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Бошимизда мангу истиқлол бўлсин.
Юрт байроғида ўн икки юлдуз,
Пешонасида нуру ҳилол бўлсин.
Юрт бўлса Ўзбекистондек диёр бўлсин,
Дўстлар омон бўлсин, доим бор бўлсин.
Истиқбол бағрида яшайлик мангу,
Тинчлик, ҳамкорлик пойдор бўлсин!

Тонг отди, азизлар, тонг отди!

Она юртимизнинг яна бир мунаввар тонги отди. Тонглар отаверсин, отаверсин тонглар! Уларнинг ҳар бири ўзининг муборак бонгини чалсин. Юртимиз Ўзбекистоннинг эртаси, индини гулгуну фаровон бўлишидан башорат қилиб тонглар отсин.

Азиз Ватандош!

Нурли уфқларга бир назар сол! Осмонўпар тоғларнинг ортидан қуёш им қоқипти. Ҳадемай сурмаранг водийлар, тонг гўшагида мудраб ётган сокин далалар узра қуёш қўнғироқ чалади. Тонг отади! Сен ана шу тонгларга оқ ниятингни айт, пок орзунгни айт. Орзу-ниятларинг бонгларга қўшилиб акс садо берсин! Орзу-ниятларинг ила йўғрилган тонг янада файзлироқ бўлгусидир!

Яшар оқ пахтали бир юртда ўзбек,
Оқ тонглар фидоси ҳар битта ўзбек,
Орзу-ниятлари бўлгай ажобат,
Оқ кўнгил, пок ният албатта ўзбек.
Қаерда дўст бўлса, қўлида нони,
Бағрин офтобдек очар ўшатда ўзбек.

Тонг отмоқда! Азизлар, тонг отмоқда!

Олам ушбу тонгларимиздан файзиёб бўлсин!

Олам ушбу тонгларнинг бонгига тўлсин!

Темур УВАЙДУЛЛО.

МЕН ёзувчи эмасман, аммо Ўзбекистонда, Ўзбеклар орасида қандай яшаётганимиз ҳақида чин дилдан сўзлагим келяпти.

Армияда хизмат қилар эканман, Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақида оз-моз тасаввурга эга эдим. Аммо иккинчи жаҳон уруши пайтида етим болаларни ўз бағрига олиб, уларга оналик қилган, миллатидан қатъи назар аёллар, қари-қартангларга ўз уйидан жой берган меҳри дарё ўзбек халқи ҳақида эшитган эдим.

Мен Ўзбекистонга ҳарбий хизмат юзасидан юборилганман. Менинг биринчи ўқитувчим — командирим — Ўзбекистоннинг собиқ ҳарбий комиссари, генерал Узоқов эди. Унинг порлоқ хотирасини умр бўйи ёдимда сақлайман. Ўзбекистонга илк бор келганимда ҳеч қандай танишим ёки қариндошим бу ерда йўқ эди. Хизмат юзасидан топшириқ ва буйруқларни бажариш давомида ҳарбий ҳаётнинг барча баланд-пастини ўзбек генералидан ўргандим. У менга навбатдаги полковник ҳарбий унвонини берди. Сўнгги лавозимим Бухоро вилоятининг ҳарбий комиссарлиги бўлди. Ўша пайтда ҳам рус кишисини камситиш асло бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ. Қилган барча хизматларим эвазига, ўзбек халқи билан ўзаро яхши муносабатим учун республика Олий Кенгаши мени уч марта Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

** Ўзбекистон—умумий уйимиз*

Меҳр-оқибатли халқ

Турмуш ўртоғим тўрт фарзандни тарбиялаш билан бирга шу ерда сиртдан ўқиб олий маълумот олди. Иккита имтиёзли дипломли оддийгина рус аёли ўз ишини яхши билгани сабабли болалар боғчаси мудираси лавозимида кўп йиллар ишлади ва Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими томонидан кўпдан-кўп миннатдорчилик изҳорлари билан кексалик таътилига кузатилди. Тўрт фарзандимнинг барчаси шу ерда олий ўқув юртида ўқиб, олий маълумотли бўлишди. Ҳозир ўз соҳалари бўйича халқ хўжалигида меҳнат қилишмоқда.

Армия хизматини тугатиб «Тошгаз» бирлашмасида, сўнгра Тошкент заргарлик заводида бўлим бошлиғи лавозимида ишладим. Ана шу меҳнат фаолиятим давомида бирор марта бўлса ҳам ўзбек ишчилари, раҳбарлари менга ёмон муносабатда бўлганларини эслолмайман. Улар менга ҳар қандай шароитда ҳам самимийлик, юксак ҳурмат билан илиқ муомалада бўлишган.

Ўзбекистонда яшаб туриб тан олиш керак — ўзбек тилини билмаслик кўпгина рус кишилари қатори менинг ҳам шахсий камчилигимдир. Бу — ўзимга нисбатан талабчан бўлмаганим оқибатидир. Биз ўзбек тилини нима учун ўрганишимиз керак, ахир ўзбеклар рус тилида бемалол гапира олишадику деб ўйлардик. Демак ўзбеклар бизни яна ҳам кучлироқ ҳурмат қилишар экан.

Ўзбек тилини ўрганиш албатта осон кечмайди, айниқса кексаларга. Аммо ўзбекларга ҳам рус тилини ўрганиш осон бўлмаган, лекин шундай бўлса ҳам улар рус тилини ўрганишди. Бу тилда биз билан тенг гапира олишади. Агар хоҳиш-истак бўлса давлатимиз тилини астасекинлик билан ўрганиб олишимиз мумкин.

Мен, менинг барча қариндошларим ва рус таниш-ларимнинг Ўзбекистондан кетиш ниятимиз йўқ. Болаларимиз шу ерда туғилишган, демак Ўзбекистон уларнинг ватани. Кетамиз деса ҳам борадиган жойимиз йўқ. Ўзбекистонда яшаш учун барча шароит мавжуд-ку. Бу ерда ўз вақтида нафақа оламан, қариндошларим, дўстларим, икки хонали хусусийлаштирилган уйим бор.

Мен Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккй йиллиги байрамини ўзбек халқи қаторида катта қувонч билан нишонладим. Барча оилам билан халқининг фаровон яшаши учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилаётган Президентимиз Ислом Каримов сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Биз русларни бу ерда Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни — Конституция ҳимоя қилади. Бу ерда мен Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаросиман. Биз меҳр-оқибатли ўзбек халқи ҳимоясидамиз.

Сергей ПЕСТОВ,
меҳнат фахрийси, Улуғ Ватан урушининг 2-гуруҳ ногирони, заҳирадаги полковник.

Ёлқин Ҳакимов мана йигирма бир йилдирки, шаҳардаги 1-уйсозлик комбинатида самарали меҳнат қилиб келади. Шу йиллар мобайнида унинг қўлидан қанчадан-қанча қурилиш нуқталари ўтмади, дейсиз. У ҳозир комбинатда бригадир ёрдамчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўнгдаги суратда тасвирланган Наталья Поморцеванинг эса Бектемир туманидаги «Иргидромаш» тажриба-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаётганига тўққиз йил бўлди. Айни пайтда у 3-даражали токардир.

Андрей Пишненко суратлари.

ДАДИЛ ПАРВОЗ

ҲОЗИРГИ кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари жаҳондаги 13 тадан ортиқ мамлакатга учмоқда. Жидда, Карочи, Тель-Авив, Деҳли, Бангкок, Франкфурт ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Учаётган самолётларимизга хизмат кўрсатишни жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага кўтардик, — дейди авиакомпания халқаро агентлиги бошлиғи Фозил Кадермеев. — Биз бу ниятни амалга ошириш мақсадида «Эрбас индустри» Ғарбий Европа консорциумидан «А—310» самолётларини сотиб олдик. У 192 йўловчига мўлжалланган. 7 минг километргача ёқилғи алмаштирмасдан уча олади. Ҳаво кемасида электрон ҳисоблаш машинаси бўлганлиги туфайли экипажни икки одам бемалол бошқариши мумкин.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, бу ҳаво кемаси хизмат кўрсатиш бўйича дунёдаги ҳозирги авиакомпанияларнинг кўпларидан ўзиб кетади. Масалан, самолёт ичкарисида ўрнатилган телевизор, аудиовидеожиҳозлар, учта дастурли радио ва бошқалар йўловчиларни зериктирмасдан манзилга етказиб қўяди.

Чет давлатлар билан қўшничиликни ривожлантириш мақсадида яқинда яна бир нечта йўналишларни йўлга қўйдик. Шулардан бири Тошкент— Бангкок — Тошкент йўналишидир. Айни пайтда ушбу ҳаво йўлида ҳафтасига икки марта самолётларимиз қатнаб турибди. Бу йўналишда асосан Германия ва Исроилдан келган сайёҳлар йўл-йўлакай Бангкокда дам олиш учун учишаяпти. Натижада Ўзбекистонга валюта тушуми ҳам кўпаймоқда.

Шу билан бир қаторда республикамиз ишбилармонлари, сайёҳлари ҳам юқоридаги ҳаво кемаларидан фойдаланиб туришибди. Улар чиптани доллар билан эмас, балки рубль ҳисобида тўлашмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда республикамиз фуқаролари учун бу борада ҳамма шарт-шароит яратилган...

Фозил ака ҳақ гапни айтди. Ҳақиқатан ҳам авиакомпания сўнгги вақтларда бу борадаги анча ишларни жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Ҳалқаро йўналишларни жалб қилишда кўпайтириш хусусида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, яқин келажакда Дамашқ, Қоҳира шаҳарлари билан ҳаво йўлларини тиклашга ҳаракат қилинаяпти. Бу йўналишнинг истиқболи порлоқ. Нимага деганда ҳозирги кунда Сурия, Миср Араб Республикаси мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодиёт, айниқса сайёҳлар алмашиш борасида анча муваффақиятларга эришилди.

Тошкент — Дакка — Тошкент йўналиши ҳам очилиш арафасида. Бу йўналиш ҳам жуда истиқболли бўлади. Чунки ҳозир 60 фоиз бангладешликлар Ғарбий Европа мамлакатларида яшайди. Улар ўз Ватанига Тошкент орқали қатнашидан манфаатдор. Бу йўналишда йўловчиларнинг кўпайиши эса мустақил диёримизга валюта тушумини янада кўпайтиради.

Ғулом ЮСУПОВ.

** Раҳмдил ва мурувватли бўлайлик*

КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР

ШАҲАР Қизил Ярим ой жамияти ходимлари кейинги вақтларда пойтахтимизда бир қанча кенг кўламли тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Яқинда Акмал Икромов туманидаги «Чевар» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш бирлашмасида шаҳар қон қуйиш станцияси бўлими билан биргаликда донорлар куни ўтказилди. Унда қатнашган ҳар бир донорга совға-саломлар улашилди. Катта дастурхон тузалиб, ундан турли ноз-неъматлар ўрин олди.

Юнусобод туманидаги 560-ногирон болалар комбинатида ҳам «Салом, мактаб» тадбири ўтказилди. Бу ерда тарбияланувчи 40 нафар биринчи синфга борувчи болаларга бепул кийим-кечаклар тарқатилди.

Шунингдек, бу ерга ҳар бир тумандан жажжи болакайлар ҳам таклиф этилиб, улар ногирон болалар қувончига шерик бўлишди. Шу куни жами 95 минг сўмлик турли-туман совғаларни олган болалар чеҳрасидаги шоду-ҳуррамликни пайқаш қийин эмас эди.

Шаҳар Қизил Ярим ой жамияти ходимлари шаҳримиздаги 1500 нафар ёлғиз кексаларни ҳам доимо эътиборларига олиб, уйларини саранжомлаб, уларга совғалар топшириб, саломатлигидан хабардор бўлиб турибдилар.

— Барча тадбирларимизга шаҳар ва туман ҳокимликлари яқиндан ёрдам бериб, бизни қўллаб-қувватлашмоқда, — дейди шаҳар Қизил Ярим ой жамиятининг катта назоратчиси Шоҳида Худойберганова.

Албатта, бугунги кунда ҳар биримизнинг ногиронларга, ёлғиз кексаларга ўз меҳр-мурувватимиз, инсонийлигимизни аямаётганлигимиз нур устига аъло нур бўлмоқда. Бу борада шаҳар Қизил Ярим ой жамияти ходимлари олиб бораётган турли тадбирлар таҳсинга лойиқлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

⊙ Бир неча йилдан бери шаҳримиздаги муқим бўлиб яшаб турган Саид Мубошир Косоний тақсирни хорижлик деб аташ анчайин эриш туюлади. Биз у киши билан боғланиб дил сўзларини изҳор этишларини сўрадик.

— БУ йил Мустақиллик байрамини иккинчи маротаба нишонлаш каминага насиб этди. Айтишим керак, бу байрамларнинг жаҳонда ниҳоятда катта аҳамияти бор. Сабаби у ўзбек халқининг ўзбеклигини, чинакамига истиқлолга эришганини оламга манзур ва машҳур қиляпти. Ўтган йилги байрамлар ўзининг самимийлиги, ранг-баранглиги билан барчани мафтун, хориждаги ватандошларнинг эса дилини чоғ қилган эди.

** Ватандошлар нигоҳида*

ОЛАМГА МАНЗУР ВА МАШҲУР

Бу йилги тантаналар ўтган йилдагидан кўп маротаба завқлиёб бўлди, назаримда. Хусусан, соҳибқирон Амир Темур ҳазратнинг ташрифи тантаналаримизга ажиб файз бағишлади. Бир ёнда Мирзо Улуғбек, бир ёнда Алишер Навоий сингари пири мурШидларимиз қўр тўкиб турсалар, шодон жаранггосимиз садо бериб турса, қандай яхши!

— Косоний тақсир, Ватанимиз тарихи ҳақидаги китобнинг учинчи қисмини ёзиб тугатган экансиз.

— Учинчи китобини ҳам тугатдим. Уни босмахонага элтиб топширдик. Яқин орада дунё юзини кўриб қолса ажаб эмас.

— Унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида ҳам сўз борадими?

— Бўлмасамчи! Ўзим гувоҳ бўлган тантаналар ҳақида, ушбу мустақилликнинг юртимизга келтирган саодати ҳақида, халқи, миллати, юрти учун фидойи бўлиб, ҳормай-толмай ишлаётган Президентимиз ҳақида юрагимда уйғонган ҳақ гапларимни айтганман.

⊙ Саид Мубошир Косоний тақсир хайрлашаётганда Саудия Арабистонидан яхши хабар кутаётганини айтиб, «Тошкент оқшоми» газетаси муштарийларига эзгу тилакларини етказиб к йишимизни сўрадилар.

Ғолиб МИРЗО.

ОРИФЖОН ака кунларнинг бирида Тошкентга тушди. Шаҳар айланиб томоша қилди. Уйга керакли нарсалар харид қилиб қайтишда троллейбусга ўтирди.

Ёпирай. У кўзларига ишонмай қолди. Троллейбус бошқараётган қиз худди Муслимага ўхшайди-я, Наҳотки шунчалар ўхшашлик бўлса.

Орифжон ака троллейбус салони томон олга интилиб машинани чапдастлик билан бошқариб бораётган қиз ёнига келди. Вой тавба, ахир бу ўз қизи Муслима-ку. Мана у қайси комбинатда «ҳунар» ўрганаётган экан. Шайтон қиз...

Ота бир зум ўйлаб тургач ҳаяжонланиб «Муслима» деб юборганини ҳам сезмай қолди. Қиз таниш овозни эшитиб ёнига ўгирилди. Падари бузрукворининг тикилиб турганини кўриб юзлари ловуллаб кетди.

** Меҳнатинг— зийнатинг*

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Троллейбус бекатидаги бу учрашув Орифжон ака ҳаётида ўчмас из бўлиб қолди. Муслиманинг ҳаёт йўли ана шундай бошланди. Шундан бери у троллейбус билан ошна. Бахтини ҳам шу касб орқасидан топди. Ҳайдовчилик курсида ўқиб юрган вақтларида аскарликдан қайтган Раҳматилла исмли йигит билан танишди. Улар орасидаги соф муҳаббат ғаҳдир ипларини бир-бирига боғлади, ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини бирга тотдилар.

Троллейбус ҳайдашлик ҳам ўзига хос бир «санъат». Раҳматилла ва Муслима Ҳабибуллаевларнинг шу «санъат» кошонасига оёқ қўйганларига 26 йил бўлди. Ҳозирда улар Волгоград — Чуқурсой оралиғида 7-йўналиш бўйлаб қатновчи 39 ва 100-рақамли троллейбусларни моҳирлик билан бошқарадилар.

Муслима ва Раҳматулла Ҳабибуллаевларни ер шарини икки марта айланиб чиққан сайёҳларга ўхшатсак муболаға бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар бири миллион чақирим масофани троллейбусда босиб ўтишди. Эр-хотин шогирд етиштиришда ҳам бошқа ҳайдовчилардан ажойиб хислатлари билан ажралиб туришади. Троллейбус чамбарагини эндигина ушлаган ўқувчиларга биринчи навбатда эркинлик яратиб берадилар. Техникани авайлашни, ўнқир-чўнқир йўллардан машинани оҳиста бошқариш сирларини эринмай ўргатадилар. Шогирдлар сони ҳозирда 70 нафарга етиб қолганининг ўзи катта бахт. Сезгир ҳайдовчилар Карим Шерматов, Баҳром Мусаев, Абдураҳим Худойбердиев, Раҳим Мардиев, Юрий Денисов, Карим Эсоновлар Муслима ва Раҳматилланинг ўгитини олган ҳайдовчилар.

Эр-хотин ҳайдовчилар орасида биринчи бўлиб «Аъло хизмат кўрсатишга кафиллик бераман» шиорини ўртага ташладилар. Шу туфайли 7-троллейбус йўналишида Раҳматилла ва Муслималарнинг издошлари сафи ортди, меҳнат унумдорлиги 5—10 фоиз кўтарилди, техник нуқсонлар камайди.

— Шаҳар электр транспортини юксалтириш ишида озгина бўлса ҳам ҳиссамни қўшаётганимдан бахтиёрман, — дейди Муслима. — Аҳолининг транспортга бўлган талабини қондириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз. Бу бурчни эъзозлаган киши албатта ҳаётда ўз ўрнини топади.

«Феруза» мавзеида янги трамвай ва троллейбус саройининг фойдаланишга топширилиши шаҳримизда электр транспортининг ривожланишида катта воқеа бўлди. Раҳматилланинг ёшларга мураббий, Муслиманинг эса 17-троллейбус йўналишига раҳбар этиб тайинланиши ҳамкасбларини қувонтиради. Бу билимдон устозлар қисқа муддат ичида саройни малакали ҳайдовчилар билан таъминлашда ички имкониятлардан самарали фойдаландилар.

Эндиликда ҳар томонлама афзалликларга эга бўлган троллейбуслар рессорлари мустаҳкамлиги, тормозлари кучлилиги, салонларининг бежиримлиги билан ажралиб туради. Янги техника илмини ўргатиш устозлардан юқори билимдонликни талаб қиларди. Буни Муслима ва Раҳматилла юксак ишонч билан уддаладилар.

Ҳозирда бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини бошидан кечираётган сарой троллейбусчилари ҳар куни аҳоли хизматига 90 та машина чиқаришга эришмоқда. Бу машиналарнинг ҳар бири кунига 162 чақирим йўл босишида ёки 15 соат ҳаракат қилишида Ҳабибуллаевларнинг баракали ҳиссалари бор. Чунки, уларга саройнинг тасарруф ҳайдовчиси лавозимини ишониб топширилган. Ҳайдовчилар томонидан белгиланган техник нуқсонларни қандай таъмирланганини назорат қилиш, белгиланган соатда троллейбусларни тартиб билан йўловчилар хизматига чиқариш, ҳайдовчиларнинг озода кийимда ва соғлом ҳолатда чамбарак ўринларига ўтказиш Муслима ва Раҳматиллаларнинг кундалик иш дастурларида муҳим ўрин эгаллайди...

Орифжон аканинг ҳовлиси ҳамиша шинам бўлади. Ҳовлидаги гуллар, ариқдан шилдираб оқаётган сув кишига ором бағишлайди. Нуроний бува неваралари Рустам, Зуҳра, Бахтиёр, Қундуз, Лолахон, Ҳилолахон, Аҳмаджонлар билан сайр қилиб юрибди. Саида ая тандирга ўт қалаяпти. Бирдан эшикдан Муслима ва Раҳматилла кириб келиши билан ҳовли янада гавжумлашиб кетди. Улар бугун Орифжон ота ва Саида аянинг туғилган кунлари билан муборакбод этгани бу ерга келишган эди.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

СЕРГЕЛИ туманидаги «Файз» мебель ва ёғочсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг металлдан тайёрланган ликопча ва лаганлари термаси, яъни «Ором» янада харидоргир бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам корхона бу маҳсулотдан кўплаб ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган. Бу терма идишларнинг ўртасига «1 сентябрь— Ўзбекистон мустақиллиги куни» деган сўзлар ёзилиб, давлат рамзи ҳам акс эттирилган. Ҳозиргача шу термадан 10 минг дона ликопча ва мингта лаган ишлаб чиқарилди.

* * *

«УЧҚУН» тикувчилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Бу маҳсулот кўпроқ эркакларга мўлжалланган бўлиб, турли ўлчовдаги бўйинбоғлардир. Маҳсулотларнинг дастлабки бўлаги харидорларга тортиқ этилди. Шу кунгача бу янги маҳсулотдан 10 минг донаси ишлаб чиқарилди.

* * *

«ТОШИНТЕРМ» Ўзбек—Хитой қўшма корхонаси меҳнаткашлари турли хил халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда асосий маҳсулотлар турини ҳам кўпайтиришаётир. Яқинда бу ерда мусиқали термосларнинг дастлабки намунаси синовдан ўтказилди. Маҳсулотнинг сифатли ва маҳорат билан ишланганига хитойликлар ҳам юксак баҳо беришди.

Гулнора МАЖИДОВА.

БОЗОРИ ЧАҚҚОН МАҲСУЛОТЛАР

** Тўйхат*

ЖОН ТАСАДДУҚ, ОҒАЖОН!

САФАР, қўшничилик, бирга ишлаш — инсон учун имтиҳон деганлари рост экан. Ана шу синовдан ростмана ўтганлар ҳақиқий дўст, елкадош, оға-ини, синашта биродар, ишончли сирдош бўлиб қолар эканлар. Биз сўз юритмоқчи бўлган оғамиз ҳам ана шундай ажойиб кишилар тоифасига киради.

...1962 йилнинг ўрталари эди. Яхшилар шарофати билан «Тошкент ҳақиқати» деган газетада ишлашга тўғри келди. Масъул котиб ўринбосарлигига таклиф этишди. Туман матбуотидан бобрў, жумҳурият рўзномалари билан беллашиб юрган катта газетага ўтиш, аввало, бироз чўчитди.

— Устозинг яхши йигит, дарров тил топишиб кетасан, икки-уч кун ичида ишнинг баланд-пастини ўргатиб қўяди, — деди муҳаррир оқ йўл тилаб, — юр, у билан юзлаштириб қўяй...

Мақсуд Қориев билан кирган ихчамгина хонада ҳеч ким йўқ эди. Кимдир цехга қўнғироқ қилди. Ҳадемай остонада ўрта бўй, оқ-сариқдан келган, лаблари табассумга тўла, истараси иссиқ бир йигит пайдо бўлди. Кўз кўзга тушди. Қалбимда илиқ бир талпиниш тўлқинланди.

— Мана, Нўмонхон акангиз...

Шу аснода мен ушбу одам билан бир умрга бирга ишлайман, деб ўйламаган эдим. Тақдирга шукрким, аксинча, шундай бўлиб чиқди.

...Ўттиз бир йил муқаддам юз кўришган устоз билан ҳамон биргамиз. Орадаги озгина узилишларни ҳисобга олмаганда ҳамиша — ҳамрўз қалбимиз қалбимизга туташ, сўзимиз сўзимизга уйқаш бўлиб келди. Одамгарчиликнинг, мухбирликнинг, масъул котибчиликнинг, муҳаррирликнинг мактабини ўша кишининг қўлида ўтдик. Нафақат газетачилик, мулоқот мулозамати, бардош, таниш-билиш ортириш, босиқлик, узоқни ўйлаш, сезгирлик, оқибатли бўлиш, андишагўйлик, лафзда туришлик, мушкулликларни енгишлик каби фазилатларни ўша кишидан ўргандик.

Ўрганишнинг ҳам ўзи бўлмас экан. Бир умрга устоз этагини тутган мақсадига етади, деганларидек, қувончли кунларимизда ҳам, қийинчилик асноларида ҳам у киши жамоага ўзгача руҳ, ўзгача кайфият бериб юборадиларки, қарасангиз ҳамма иш бир зумда силлиқ юришиб кетади. Маҳорат, тажриба самараси шу бўлса керак.

Бу киши билан бошқа жойларда, бошқа жабҳаларда учрашган ёҳуд камарбасталик қилган одамлар ҳам шу гапларни айтишади. Олим Мириной Файзиев, шифокор Масловуддин Садриддинов, фахрий отахонлар — Бўстонликдан Абдурашид Раҳимбердиев, чинозлик Қозибек Ажимуратов, паркентлик Ботир ота Йўлдошев, оҳангаронлик, милиция ходими Вақкосхон Неъматуллаев... Улар жуда кўп.

Нўмонхон ака Насимов омадли ва бахтли инсон экан. Зеро, бу омадни, бу бахтни унинг ўзи яратди. Пешона тери, ҳалол меҳнати, зукколиги, одамохунлиги билан яратди. Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Аҳмад Исмоилов, Босит Халил, Ориф Аюпов, Султон Акбарий, Мавлон Икром каби маълум ва машҳур адиблар бешигини тебратган «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ўзига хос анъаналари бор эди. Н. Насимов ўша савобли ишларни кўпайтирди, ўша анъаналарни ривожлантирди.

Газетада корректорлик энг кичик лавозим. «Тошкент ҳақиқати»га дастлабки тамал тоши қўйилган — 1954 йилда у олий ўқув юртини битиргач, рўзномага корректор бўлиб келди. Газетанинг биринчи сонини чиқаришдек қувончга шерик бўлди. Кейин адабий ходим, махсус мухбир, бўлим мудири, масъул котиб бўлиб ишлади. Бир муддат «Сирдарё ҳақиқати» газетаси муҳаррирининг ўринбосари бўлди. Тошкент вилоят партия комитетида шўъба мудири, бўлим мудири ўринбосари сифатида хизмат қилди. 1980 йил бошларида эса яна эски қадрдонлари бағрига — «Тошкент ҳақиқати»га қайтиб келди. Энди у бош муҳаррир эди.

Катта ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган Н. Насимов ўз касбига бўлган юксак маданиятни, чуқур садоқатни ўзида мужассамлаштирди. Чинакам маҳорат, куч-ғайрат, меҳнатсеварлик фазилатлари унга беқиёс иззат-икром келтирди. У ҳамиша дўстларига хайриҳоҳ, ҳеч қачон ҳамкасбларидан ёрдамини аяган эмас. Шу боис республикамиз оммавий ахборот воситаларида ишлаётган унинг кўпдан-кўп шогирдлари — Э. Эрназаров, Ҳ. Олимжонов, Т. Мирҳодиев, А. Носирова, Ф. Муҳиддинов, А. Йўлдошев, П. Нишонов, И. Юсупов, У. Абдушоҳидов сингарилар ўз устозларидан ҳамиша миннатдорлар.

Марғилон шаҳрининг Баландмасжид даҳасида олтмиш йил муқаддам таваллуд топган, Насимхон ака ва Роҳатпошша аяларнинг севимли фарзанди бўлган йигитча бугун улкан бир даргоҳнинг раҳбари, катта бир хонадоннинг падари-бузруквори. Нўмонхон ака ва Мухтабар опаларнинг оиласига ҳамма ҳавас қилади. Уларнинг фарзандлари — Ҳаётбек, Ноилахон, Беҳзод, Шерзод, Зуқриддин, Жалолиддинлар ўз оталари ва оналари, ўз боболари ва бувилари атрофида парвоналар. Тошкент шаҳрининг Бодомзор маҳалласидаги уйнинг эшиги кечаю кундуз барчага очиқ. Унда истиқомат қилувчи даргоҳи кенг уй соҳибларини ҳаммаҳаллалар ҳурмат қилади, эъзозлайди. Одамлар хуш кўрур яхши инсонни, деганлари шу бўлса керак.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти бошқарувининг раиси Нўмонхон ака Насимов ўз дўстлари, қариндош-яқинлари, хешу-ақраболари, таниш-билишлари, шогирду мухлислари даврасида бугун ўз таваллудининг 60 йиллигини, меҳнат фаолиятининг 40 йиллигини инсоний бир ҳузур-ҳаловат ва қониқиш билан нишонламоқда. Устозқ калон, ажойиб дўст, муҳтарам ота, эътиборли инсон, камтарин қалам соҳиби шаънига кўпгина ширин сўзлар янграмоқда. Биз ҳам ана шу яхши ниятларга қўшилган ҳолда оғажонимизга жон тасаддуғи ила шундай дегимиз келади:

Оғажон, омон бўлинг,
Умрингиз бўлсин узун.
Йўраб-яшнаб дунёда,
Марду майдондек яшанг.

Сиз билан биз —
ҳаммамиз,
Юзга кирсак не ажаб.
Қалам аҳли сафинда,
Бир азиз жондек яшанг!

Раҳимберди УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

МАОРИФИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

«БОҒИ Эрам» боғида «Соғлом авлод учун» мавзуида ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар, ўқитувчилар билан учрашув ўтказилди. Унда халқ маорифи аълочиси Фатҳулла Зикриллаев маорифимиз жонкуярлари ҳақида маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори Ориф Усмонов Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ҳақида сўзлади.

Сўзга чиққанлар муаллимларга ёш авлодни тарбиялашдек машаққатли, лекин шарафли ишда зафарлар тилади. Учрашувда республика ўқув-услубиёт маркази қошида ташкил этилган «Зиёкор» дастаси аъзолари жозибали рақс ва дилрабо қўшиқлар ижро этишди.

Шаҳло ШОИСЛОМОВА.

Шифо ва саломатлик

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

ҲОЗИРГИ тиббиётни замонавий асбоб-ускуналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин беморларга тўғри ташхис қўйишда, улар дардига тезроқ чора топишда мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган ускуналар шифокорларга қўл келмоқда.

Шаҳримиздаги «Тибаше» ишлаб чиқариш марказининг ўзи даволаш муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга 30 миллион сўмлик маблағ сарфлади. Жумладан, 30, 42, 43-поликлиникалар, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббий-санитария шохобчаси, 10-туғруқхонанинг ҳомиладор аёллар бўлимлари зарур асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган.

Даволаш муассасалари қошида ташкил этилган кундузги шифохоналар хизматидан аҳоли жуда мамнун. Бундан ташқари, поликлиникалар қошида ихтисослаштирилган курсли амбулатория даволаш марказлари очилган бўлиб, айни пайтда аллергия, эндокринология гастрология каби касаллик турлари бўйича беморларни даволайди. Эндиликда пульмонология, кардиология бўлимлари ҳам очилиш арафасида турибди.

Шаҳарда «Тез ёрдам» хизмати тиббиёт соҳасида кўзгу ҳисобланади. Шунинг учун бу хизмат тизими қайтадан кўриб чиқилиб, кўндаланг турган муаммоларни ҳал этиш учун малакали шифокорлар, мутахассислар билан таъминланди. Шу туфайли беморларга хизмат кўрсатиш ўтган йилдагига нисбатан бир мунча тезлашди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шаҳримизда уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида оналар ва болалар маркази очилди. Бу ерда оналар ва болалар бир-бирларидан ажратилмасдан, бирга-ликда даволанади. Шаҳардаги 19 та болалар поликлиникасида ташхис марказларига профессор ва олимлар бириктирилган.

Тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда баъзи қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Маълумки, энг долзарб муаммо бу керакли дори-дармонларнинг етишмаслигидир. Шунга қарамай Тошкент «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси доривор ўсимлиқлар, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамлама, қайнатма ва турли шарбатларни истеъмол қилишни узайтирувчи стабилизаторларни яратиш устида иш олиб бормоқда. Бу борада бир қанча чет эл фирмалари билан алоқа ўрнатилди. Ҳозирда доривор гиёҳларнинг 42 туридан дамлама ва шарбатлар тайёрланиб, сотилмоқда.

Ярим йилликда республикамиз хорижий давлатлардан 579,7 миллион сўмлик дори-дармон сотиб олди. Бу дори-дармонлар билан биринчи навбатда даволаш муассасалари, болалар шифохоналари, уруш ногиронлари таъминланаяпти.

Ҳозирги пайтда малакали тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёж катта. Шу муносабат билан шаҳримиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари ўз иш услубларини ўзгартирди. Масалан, 1-Тошкент тиббиёт институти олий таълим вазирлиги билан биргаликда янги ўқиш режаси ва дастурини ишлаб чиқди.

Шунга кўра бўлғуси шифокорлар 5 йил давомида ўқишдан кейин «медбакалавр», яъни шифокор ёрдамчиси дипломини оладилар. Навбатдаги синовдан ўтгандан кейин, икки йил ўқиб умумий шифокор дипломига эга бўлишади. Бу шифокорлар 7 йил давомида поликлиникаларда ишлашади. Ана шу жиддий имтиҳондан ўтган киши яна ўз билимини оширади ва «магистр», яъни мутахассис бўлиб етишади. Бундан ташқари, илгари маърузаларда 200-300 талаба иштирок этарди. Эндиликда уларнинг сони 60 тадан ошмаслиги кўзда тутилмоқда.

Икки йилда мустақил Ўзбекистон тиббиётининг мавқеи ошиб, кўлами кенгайди. Бутун диққат-эътибор аҳоли саломатлиги, айниқса оналар ва болалар сиҳати муҳофаза қилинишига қаратилмоқда.

Маҳфират ҚОДИРОВА,
Назира СОДИҚОВА.

* *Билиб қўйган яхши*

ОВОЗ ДАҒАЛЛИГИ САБАБИ

СУРУНКАЛИ ларингит — товуш бурмаларининг яллиғланиши кашандалар, ичкиликбозларда ва бақироқларда учрайди. Тананинг шунтазам равишда никотин ва алкоголь билан заҳарланиши, бақириш, қаттиқ гапириш товуш бурмалари шиллиқ пардаларининг гипертрофиясига, бу жойларда полиплар ва кисталар ҳосил бўлишига олиб келади. Ана шулар туфайли одамнинг овози бўғиқ, дағал бўлиб қолади.

РАКНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИМИ?

РАКНИНГ олдини олишдаги энг дастлабки воситалардан бири дастурхондан сабзавотлар, мевалар, кўкатларнинг аримаслигидир. Бу ноз-неъматлар таркибида пектин моддаси кўп бўлади. Пектинлар эса киши ҳаёт фаолияти давомида йиғилган турли заҳарли моддалар, жумладан кимёвий заҳарларни танадан чиқариб ташлайди. Яқинда япон олимларининг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, хом меваларда ракка қарши моддалар мавжуд бўлиб, бу мевалар ошхонада пиширилганда мазкур моддалар даражаси камайиб қетади. Британиялик олимлар ўпка, қовуқ раки танада «А» дармондориси етишмайдиган одамларда кўп учрайди, деган хулосага келдилар. Мана шунинг учун ҳам ҳар куни сабзини қиргичдан ўтказиб, устига қаймоқ ёки ўсимлик мойи қуйиб ейиш, янги узилган карам, бодринг ва кўкатлардан тез-тез тановул қилиб туриш лозим.

Маъфират ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

ЮРГАН дарё, кўрган уммон, дейишгани бежиз эмас. Босит Алиевич ўз умрининг чорак асрдан кўпроғини тиббиётга бағишлади. Республикамизда у бормаган чекка қишлоқ қолмади ҳисоб. Беморларнинг дардига шифо топиш унинг бош муддаоси. Минг-минглаб беморлар Босит аканинг енгил қўлларидан шифо топишди, қайтадан туғилгандек яна ҳаётга қайтишди.

Босит Алиевич босиб ўтган умр йўлига ҳаёлан назар ташларкан, кўнглида ажиб енгиллиб, фарахмандлик туяди. Умр — оқар сув деганлари шу бўлса керак-да! Умр бўйи одамларга яхшилик қилишга интилиш, одамларга бахт улашиш, сўниб бораётган ҳаёт шамини қайтадан ловиллатиб, инсон умрига умр қўшишни, омади, иқболи, бахтини шу жарроҳликни танлаганида, унга садоқатида, деб билди.

Босит ака Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 3-курсида ўқиб юрган кезларидаёқ жарроҳлик клиникасида навбатчиликда турарди. Кўричак ўсиғининг яллиғланиши, чурра тушиши қай тахлит операция қилинади? «Тез ёрдам» машинасида олиб келинган оғир беморларга дастлаб қандай ёрдам кўрсатиш керак? Бу саволларга кичик-кичик операцияларда қатнашиб, кўзи пишиб борди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас жарроҳлик клиникасида ишлай бошлади. Бу — ҳали ўқишни тугалламаган ёш йигитча учун катта ишонч эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Лев Данилович Василенко шу клиникага раҳбарлик қиларди. Босит акани ҳали ёш, дея папаламади, операцияларни ҳам дадил ишониб топширадиган бўлди. Институтни битирганда Босит акага мустақил ишлаш учун жарроҳлик илмида икки юз-уч юз йилдан бери ҳал бўлмай келаётган мураккаб масалалардан иккитасини таклиф қилди. Биринчиси, қорин бўшлиғининг яллиғланиши. Иккинчиси, ичакнинг буралиб қолиши. Одамнинг ичаги буралиб қолса ҳеч ўтмай вафот этади. Шунинг сабаби нимада? «Бу масалани танлаш, уни ўрганиш ва қай йўсинда хулосага келиш сизнинг ихтиёрингиз» деди устози.

Босит ака ўйланиб қолди. Иккита илмий муаммодан ташқари учинчиси — шахсий оилавий тирикчилик масаласи ҳам бошини гаранг қилиб қўйганди. Уйланган, ўғил кўрган эди. Маоши озлигидан рўзғор тебратишга қийналиб қолди. Устозга айтишга истиҳола қилди. Бир кўнгли амалий ишга ўтиб кетгиси ҳам келди. Охири кўнглини кемираётган қийноқни устозига очиқ айтди.

Лев Данилович серсоқол, барваста киши эди. Ҳаяжонланса, бир қўлини олиб иккинчиси билан соқолини тутамлар, тез-тез нафас олар, ўйга чўмиб қоларди. «Сабр қил, ўғлим, — деди Лев Данилович меҳрибонлик билан. — Қўшимча навбатчиликларда тур. Оз бўлса ҳам мадор-да. Ҳали бу қийинчиликларни кўрмагандек бўлиб кетасан. Фақат, энг муҳими дастлабки қийинчиликни енгиб олишда... Бу хилдаги мушкулот менинг ҳам бошимдан ўтган», дея устози бир воқеани гапириб берди.

— Биласан, менинг устозим профессор Б. Боровский бўлади. У кишининг инқилобий қайфиятини пайқаган чор Россияси ундан қутилиш учун Ўзбекистонга сургун қилиб юборган экан. Аввал ҳарбий госпиталда ишлаб юрди. Кейинчалик ТошМИнинг жарроҳлик клиникасига ўтди. Кафедра мудири бўлди. Ўта маданиятли, билимдон, таъби нозик олим эди. Бир куни мен: «Қайси мавзуни ишлаганим маъқул», дея унга масалаҳат солган эдим, устоз кутилмаганда бўғриқиб кетди: «Уни қил буни қил, деб йўл-йўриқ кўрсатсам, имкониятларингни чеклаб қўйган бўламан. Ҳар ким ўз йўлини ўзи танлайди. Мустақил йўлини топган одамгина ҳақиқий олим».

* *Тиббиётимиз фидойилари*

ИЛМДА ЯНГИ ГАП АЙТГАН

Мана, ўзимдан қиёс. Пендинка яраси, деган бир касаллик бор. Шуни даволаш усулини топгандим, докторлик диссертациямнинг мағзини ташкил этди. Хусусан, болаларнинг юзига чиққан ёйма ярани қиздирилган кўмир билан куйдириб, кейин тузатиларди. Уни халқ орасида «ёмон жавҳар» дейилади. Яра тушиб кетгандан кейин ҳам юзда тангадек тамға ўйилиб, белгиси қолади.

Кечалари узоқ. Тонг отгунча мижжа қоқмай микроскоп ёнида ўтириб чиқаман. Тунлар тонгларга, кунлар кечаларга уланиб кетарди. Астойдил йиғласанг сўқир кўздан ёш чиқар, деганлари тўғри экан. Муттасил изланиш самаралар берди. Охири ўша ярани қўзғатувчи микробларни топдим. Илдизини топганингдан кейин давоси ҳам ўз-ўзидан юзага чиқаркан. Энди, сенга нимаям дердим. Топографик анатомияни ўрган, оператив хирургияни кузат. Шундан кейин ўзингда ҳам бирор янги фикр пайдо бўлиб қолса ажабмас...

Устозининг бу гапидан кейин Босит Алиевич илм уммонига шўнғиб кетди. Илмий нашрлар, назарий адабиётлар ўз комига тортиб олди. Қорин бўшлиғининг яллиғланиши сабабларини аниқлаш анча мураккаб. Одам танасидаги сув алмашиниш жараёнларини, модда алмашиниши биохимиясини, қон ва пешоб таркибини ўрганиш тақозо этиларди. Шу йўсинда организмда ичак буралиб қолиши сабабларини аниқлашга киришди... Хусусан, бу масалани ҳал этиш учун еттита нарсани ҳал қилиш зарур, деб топди. Биринчидан, буралиб қолган пайтда ичакнинг пастки, юқори ва ён томонларида қандай морфологик ўзгаришлар кечади? Иккинчидан, одам учун энг кераклиси бу — оқсил. Шу оқсил таркибида қандай ўзгаришлар рўй беради? Учинчидан, мияда, тўртинчидан, орқа мияда, бешинчидан, буйракда қанақа ўзгаришлар бўлади? Буйракнинг устки ва остки безларида-чи? Олтинчидан, жигар атрофидаги бузилишлар, еттинчидан эса, қорин ости безларини, қориндаги газларни, оқсилларни текшириш Босит Алиевичга жарроҳлик илмида ўзининг дастлабки янги сўзини айтиш имконини берди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ичак буралган пайтда қорин бўшлиғида заҳарли газлар пайдо бўлар экан. Ана шу ички ачитқи газлардан одам заҳарланиб ўларкан. Босит Алиевич буралган ичакни операция қилишнинг янги усулини ҳам яратди.

Профессор Босит Алиевичнинг жарроҳлик илмига олиб кирган яна бир йирик янгилиги — бу жигар ракини кесиб ташлаш, даволаш ва тикишда қўллаган усули бўлди. Жигарнинг касалланган, қуруқшаган қисми кесиб ташлангач, уни тикиб қўйишнинг ўн етти хил усули бор эди. Лекин биронтаси ҳам самарали қўлланмас эди. Сабаби, тикилган жойидан қон кўп оқиб кетиб, бемор оламдан кўз юмарди. Ҳамма сир — ана шу тикилажак ипнинг таркибида, операциядан кейин қон кетишининг олдини олишда эди. Босит Алиевич жаҳон жарроҳлигида жигарни резекция қилишнинг янги усулини яратди. Бугунги кунда бу усул Япония, Англия давлатлари, Москва, Санкт-Петербург, Киев ва бошқа шаҳарларнинг йирик клиникаларида, шифохоналарида муваффақият билан қўлланиб келинмоқда.

Босит Алиевич пири-бадавлат устоз. Бешдан ортиқ фан доктори, ўнлаб фан номзодлари, қатор аспирантлар профессор Б. А. Охунжоновнинг маслаҳатларидан, тажрибасидан, йўл-йўриқларидан баҳраманд. Қўша-қўша монографиялари, юздан ортиқ илмий-назарий мақолалари нафақат республикамизда, балки шу билан бирга ўнлаб давлатларнинг илм аҳли томонидан янги-янги фикрларни илгари суриш учун замин вазифасини ўтамоқда.

Бир шарқ донишмандидан:

— Дунёда узоқ умр кўришнинг сири нимада, — деб сўрашибди. — Ичмасликми, чекмасликми ёки меъёрида овқатланишми? Асабни эҳтиёт қилишми ёки спорт билан муттасил шуғулланишми?

— Барчасиям керакли, лекин энг муҳими бу — янгилик яратишда. Янги-янги ғояларни илгари суришда, янги гап айта билишда, — деб жавоб берган экан донишманд.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Босит Алиевич Охунжонов илмда ана шундай янги гап айта биладиган олим. Унинг бугунгача яратган кашфиётлари жуда салмоқли. Ҳали унинг илм бўстонини янги-янги фикрлар билан яна бойитишига ишончимиз комил. Негаки, унинг узлуксиз тажрибалари, чуқур кузатишлари жарроҳлик илмида ўзига хос мактаб яратди!

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
профессор.

«Олмазор»да маданият маркази

ЭРТАЛАБДАН янграган карнай-сурнай садолари шаҳримизнинг «Олмазор» маҳалла аҳлини янги қурилган маданий марказ сари чорлади. Миллий жиҳозлар билан безатилган чиройли бино ичида дастурхонлар ёзилган. Шайхонтоҳур туман маданият уйи қошидаги даста-лар йиғилганлар хизматида. Хуллас, бу ерда йиғилганларнинг кайфияти аъло даражада.

«Олмазор» маҳалласи комитетининг раиси Ёдгор Обидов шундай деди:

— Мустақиллик шарофати билан маҳаллаларимизнинг бағрига ҳам шамол тегиб қолди, — деди у. — Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ҳомийлигида «Маҳалла» дастури ишлаб чиқилгандан кейин маҳалламизга табиий газ, сув келди. Йўллар текисланиб, асфальт ётқизилди. Мана бугун маданий марказнинг очилиши ҳам ҳукуматимизнинг маҳаллаларга катта эътибор берганлигидан далолат бериб турибди...

Шундан кейин туман ҳокими Адҳам Миржалилов сўзга чиқиб бинони қурган 159-трест қурувчиларига миннатдорчилик билдирди ва маҳалла аҳлини маданий марказ очилиши муносабати билан табриклади.

Соат 10 дан бошланган тантана узоқ давом этди. Таклиф қилинганларга ош тарқатилди.

Ғулом ЮСУПОВ.

Яна дийдор кўришишади

ГЕРМАНИЯ Н И Н Г Неккарсульм шаҳридаги ихтисослашган мусиқа мактабида кўпгина иқтидорли болалар таҳсил кўришмоқда. Ана шу қобилиятли ёшлар ўзбекистонлик болалар билан ҳам яқин алоқа боғлашган. Улар Успенский номли республика болалар мусиқа мактаб-интернати талабалари билан ўзаро борди-келдини йўлга қўйдилар. Мазкур мактаб-интернатнинг бир гуруҳ ёш мусиқачилари яқинда Германияга қилган ижодий сафари чоғида Неккарсульм шаҳрида ҳам томошалар кўрсатилди. Ихтисослашган мусиқа мактабида бўлган ижодий мулоқот ёш дўстларни бир-бирларига янада яқинлаштирди.

Эндиликда ҳар икки мусиқа билим даргоҳи ўртасида алоқалар йўлга қўйилади. Шунга кўра шу йилнинг кузида ёш мусиқачилар яна дийдор кўришишди. Бу дўстона учрашувлар, қувноқ томошалар яна Неккарсульм ихтисослашган мусиқа мактабида бўлиб ўтади. Ҳозир бунга мактаб-интернатда катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Воҳид ВАЛИЕВ.

Юнусобод туманида жойлашган 5-шаҳар болалар шифохонасининг ходимлари «Соғлом авлод учун» шиори остида баракали меҳнат қилишяпти. Мазкур тиббиёт масканида хасталикларни даволовчи 18 та бўлим фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: касалликларни аниқлаш бўлимида ўз касбини эъзозлаб келаётган бўлим мудири Осиё Юсуповани иш устида кўриб турибсиз.

Холмат Мирзакаримов сурати.

АСАБИНГИЗНИ АСРАНГ

ҲИС-туйғуга берилувчан, ортиқ даражада ҳаяжонланаверадиган кишилар ўзлари билмаган ҳолда асаб касаллигига замин яратадилар. Унда кишилар арзимаган жисмоний иш қилсалар ҳам юрак атрофида оғриқ ҳис қиладилар, бош оғриғи, уйқусизлик, камқувватликдан нолийдилар. Бундай одамлар жуда сержаҳл, доим ҳар нарсадан камчилик излайдиган, ваҳимачи бўлиб қоладилар. Асабийликни даволашнинг энг яхши усули — меҳнат билан жисмоний дам олишни тўғри ташкил этиш, жисмоний тарбия ҳамда аутотренинг, яъни ўз-ўзини ишонтиришни доимий машқ қилиш билан шуғулланишдир. Бунда ҳис-туйғуларни бошқаришни машқ қилиш, одамлар билан хушмуомалада бўлиш, жанжални олдини ола билишга ўрганиш жуда муҳимдир.

Баъзи ҳолларда кўп нарса ўзимизга боғлиқ эканини унутиб қўямиз. Арзимаган нарсага жиззакилик қилиб, жанжал кўтарамиз. Лекин буни ҳал қилишнинг бошқа йўли ҳам бор.

Тўғри, олимларимиз асабийлашишнинг олдини оладиган ягона усул — жисмоний меҳнат эканлигини аллақачон исботлашган. Аммо унинг бошқача йўли ёки усули ҳам бор. У ҳам бўлса кулгу, хуш кайфиятдир. Юмор — ёмон кайфиятни даволайдиган жуда унумли восита ҳисобланади.

Дейлик, автобусда кетаётганингизда сизнинг оёғингизни босиб, бунинг устига ҳақорат ҳам қилишди. Шу пайтда сизнинг фиғонингиз фалакка чиқиб кетади. Лекин жанжал бошлашнинг ўрнига сиз унга жилмайиб, икки оғиз ҳазил гап айтсангиз орадаги кайфият бир зумда яхшиланади.

Кейинги пайтда саломатликни мустаҳкамлаш ва беморларни даволашда ҳазил-мутойиба, кулгудан унумли фойдаланилмоқда. Ҳатто, табобатда «кулги — терапия» деган янги атама пайдо бўлганлиги ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, кулгу, хушкайфият саломатлик гаровидир.

Назира ҚУРБОН қизи
таржимаси.

ПАПИЛЛОМА НИМА?

ОДАМНИНГ қовоғида, бўйнида, қўлтиқ остида, аёлларда эса кўкрак безлари тагида майда ўсма пайдо бўлади. У тўғноғич бошидек, катта нўхатдек келиши мумкин. Қўлга юмшоқ уннайди, рангу териникига ўхшайди. Юзаси одатда силлиқ, баъзан эса ғадур-будур бўлади. У папиллома — хавфсиз ўсма дейилади. Бу ўсма асосан киши баркамоллиги даврида кузатилади.

Папилломанинг тарқаб кетиш хавфи бор, бироқ у секин ўсади ва соғлиққа зарар қилмайди. Бироқ у сочга, кийимга илиниб, ноқулайлик туғдириши мумкин. Баъзилар папилломани тагидан ип ёки соч билан боғлаб, тушириб юборса бўлади дейишади. Бу нотўғри. Бундай қилганда папиллома қизаради, шишади, катталашади. Безиллаб оғриб туради, ҳатто йириングлаши ҳам мумкин.

Шунингдек папилломани устарада қирқиш, унга ляпис ёки ўткир кислоталар суртиш асло мумкин эмас. Чунки ҳол ёки кератомани папиллома деб ўйлаб унга зиён етказиб қўйиш мумкин. Ваҳоланки, бу ўсмалар кўпинча хавфли ўсмага айланиб кетиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, терида ҳар қандай ўзгариш пайдо бўлганда шифокор ёки косметологга мурожаат қилиш зарур. Ҳозирги пайтда электрокоагуляция ёки суюқ азот ёрдамида папилломалар оғритмасдан олиб ташланади. Орадан 7—10 кун ўтгач терида ҳеч нарсанинг изи қолмайди.

Маъфират ИЎЛДОШЕВА.

ИБН СИНО ДЕЙДИКИ...

● СОҒЛИҚНИ сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат ва ундан сўнг уйқу тадбиридир.

● БАДАННИНГ ташқи кўринишидаги офатлари — ўтакетган ориқлик ва ўтакетган семизликдир.

● ЎСМИРЛАРДА овқат талаб қилиш ва ҳазм кучлироқдир. Бу ҳам иссиқлик билан бўлади. Аммо иштаҳа иссиқлик билан эмас, балки совуқлик билан бўлади. Шунинг учун «ютоқиш» кўпинча совуқликдан пайдо бўлади.

● СОҒЛИҚНИ сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисмини сабзавотлар, мевалар ва булардан бошқа даво бўладиган овқатлардан бўлишига аҳамият бермоғи лозим.

● АГАР таом устига таом тиқиштирилса, кўпинча у оғирлашади, пастга тушади ва ҳазм бўлмай тушиб кетади.

● ГЎШТ танани мустаҳкамлайдиган таом бўлиб, у бошқа овқатларга нисбатан қонни тезроқ кўпайтиради.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ
тўплаган.

БОЙКАСАЛЛИК ЧЕКИНМОҚДА

ДУНЕДА нима кўп касаллик кўп. Уларнинг ичида битта антиқаси бор. У одамни ётқизиб қўяди, эрта қаритади. Унга дучор бўлган беморнинг қўл-оёқ бўғинлари, айниқса бармоқлари зирқираб оғрийди, ўзи инжиқ бўлиб қолади, меҳнатга ярамайди. Бу касаллик ҳадеганда тузалавермайди, узоқ вақт сабр-тоқат билан муолажа қилишни талаб этади. Инсон вужудида модда алмашинувининг бузилиши ва ҳар хил тузлар тўпланиши натижасида пайдо бўладиган бу хасталикни тиббиёт ходимлари «подагра», халқ орасида эса бойкасал дейилади. Касаллик айниқса табиатнинг, об-ҳаво софлигининг бузилиши, ҳаётдаги турли қийинчиликларнинг ортиши натижасида пайдо бўлади.

Хўш, бойкасал қандай кўнгилсизликларни бошлаб юради? Уни қандай даволаш мумкин? Бу муаммоларни ҳал этиш учун кўп шифокорлар бош қотириб келишади. 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ички касалликлар кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди, профессор Тўхтасин Солиев ҳам бу борада кўп йиллардан бери илмий-тадқиқот ва даволаш ишларини олиб боради. Бод, юрак-томир касалликларининг чуқур билимдони, минглаб беморларнинг дардига шифо топиб келаётган қўли енгил бу шифокор бўлажак шифокорларга тиббиёт фанидан дарс бериш билан бирга институтнинг юрак-томир касалликлари бўлимида беморларни даволаб келади. Кўп йиллардан буён бойкасалга чалинган беморларнинг аҳволини синчиклаб кузатди, унинг келиб чиқиш сабаблари ва қандай даволаш мумкинлигини тинмай излади, тадқиқ қилди. Ўн беш йил давомида 350 дан ортиқ беморларни кузатиши натижасида бу касаллик кўпроқ ақлий меҳнат кишиларида ҳамда аёлларда учрашини аниқлади. Агар ўз вақтида даволанмаса буйрак ва юрак-томир хасталикларига уланиб кетиши ҳам кузатилди. Энг муҳими — «подагра»ни қандай даволаш масаласи ҳам чуқур ўрганиб чиқилди. Бунда шу пайтгача қўлланиб келинаётган турли дори-дармонлар, парҳезли таомлар ва минерал сувлардан ташқари янги дори ҳам синаб кўрилди. Бу — Ўзбекистон озиқ-овқат илмий-текшириш илмгоҳи олимлари — техника фанлари докторлари Ҳ. Саломов ва Н. Эгамбердиевлар томонидан ишлаб чиқилган ва ғўза баргидан олинадиган пектин моддаси бўлиб, у «подагра» касаллиги билан касалланган беморларга берилганда уларнинг аҳволи анча яхшиланди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича бу модда бўғинлардаги яллиғланишларнинг сўрилиб кетишига ёрдам берар экан.

Тадқиқотчи-шифокор Тўхтасин Солиев «подагра» касаллиги хусусидаги кузатишларни тиббиёт нашрларида босилиб чиққан ўттиздан ортиқ мақолалари, шунингдек Тошкентдаги Ибн Сино номли тиббиёт нашриёти томонидан ўтган йили чоп этилган «Ўзбекистонда подагра» деб аталган рисоласида муфассал баён этиб берган эди. Бу китоб тиббиёт олимлари ва даволовчи шифокорлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Бунинг натижаси ўлароқ Тўхтасин Солиев Тошкент Давлат тиббиёт институти илмий кенгашининг шу йил август ойида бўлиб ўтган йиғилишида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
журналист.

1-шаҳар касалхонаси физиотерапия бўлимининг уқаловчиси Зулхумор Зуннунова кўплаб беморларнинг дардига малҳам бўлмоқда.

СУРАТДА: З. Зуннунова.

Виктор Богачёв сурати.

Хариталарда ифодаланган саёҳатлар

БУЮК Ипак йўли бўйлаб уюштирилаётган ижодий сафарлар яхши самаралар бермоқда. Бундай экспедициялар кино ходимлари ижодий гуруҳлари томонидан ҳам бир неча бор ташкил қилинди.

Кинолавҳаларда мангу лаҳзаларга айланган сафарларга бағишланган махсус хариталар ҳам чиқарилди. Шу ўринда «Ўзбекистон киносаёҳатчилар уюшмаси. Тошкент — Пекин — Тошкент бўйлаб Буюк Ипак йўлидан автомобилда саёҳат» деб аталган харита ҳам эътиборни ўзига тортади.

Мазкур автомобиль саёҳати ушбу уюшма раиси, киносанъаткор Б. Ҳўжаев бошчилигида уюштирилган эди. Экспедиция чоғида тарихий жойлар кинолавҳалар орқали тасвирларга туширилди.

Буюк Ипак йўлига доир бу каби хариталарни чиқаришда Тошкентдаги картография фабрикаси жамоаси фаоллик кўрсатди. Шуниси муҳимки, махсус тайёрланган хариталар саёҳатларга отланувчиларга бепул тарқатилди.

Анвар ОБИДОВ.

МАМОНТ дарахти 1750 йил, қарағай 350 йил, қарға 300 йил яшаши эътиборга олинса, инсонга унчалик узоқ умр берилмаган. Лекин ҳар бир инсон фарзандларига берган яхши тарбияси, бажарган ишлари, яратган янгиликлари, одамларга қилган яхшилиги, айтган ширин сўзлари, уни билган, кўрган, ҳамсуҳбат бўлган, борингки, у тўғрида ёзилган китоблардан ўқиган одамлар қалбида, онгида, тушунчасида доим яшайди. Инсоннинг умри унинг фарзандларида давом этади. Меҳр-оқибат, садоқат, самимийлик, иззат-ҳурмат, андишалик, вафо-муҳаббат, ҳалоллик, одамийлик фарзандларга хос бўлган яхши фазилатлар саналади. Бу хислатлар тарбия орқали камол топади.

Ёш авлодни тарбиялаш, ахлоқ-одоб ўргатиш, уларни чуқур билимли, юксак маданиятли, фикр доираси кенг, маънавий жиҳатдан бой, пок қалбли кишилар қилиб вояга етиштириш муҳим вазифадир. Вақти келса туғилажак фарзанднинг ўғил ёки қизлиги ҳақида баҳс юритамиз. Тиббиёт бўйича генлар асосида бу фарзанднинг қайси вақтда ўғил, қайси вақтда қиз бўлишини илмий равишда исботлаймиз. Лекин дунёга келган шу фарзанднинг ҳаёти, тарбияси ҳақида кам бош қотирамиз.

Ўзбекистонимиз халқимиз асрлар оша орзу қилган, умр бўйи интилиб келган мустақилликка эришди. Энди тарбия ҳам бошқаларнинг буйруғи, кўрсатмаси ва йўл-йўриғи асосида эмас, ота-боболаримиздан мерос бўлиб, ҳаёт синовларида тобланган, шаклланган урф-одат, қадриятлар асосида олиб борилиши керак. Чунки, ҳар бир халқ ва миллат анъанасида сақланиши ва ривожлантирилиши керак бўлган фойдали томонлари жуда кўп.

«Қуш — уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Бола тарбияни аввало ота-онадан, ака-опаларидан, уйидаги муҳитдан олади. Ота-онанинг бир-бирига бўлган самимий муомаласи, одоби, рост ёки ёлғон сўзлаши, ўзини тутиши, кийиниши, уйини саранжом-сариштa сақлаши, иноқлиги, тотувлиги тарбия марказидир. Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Боланинг хушхулқ, муомаласи мулойим, иззат-ҳурматли, ширин забон бўлишида кўзи билан кўрган оиладаги муҳит таъсири кучлидир. Бола истаса-истамаса кўзи билан кўрган, қулоғи билан эшитган гаплардан, воқеа-ҳодисалардан, йўл-йўриқлардан, муомала, муносабатдан ибрат олади. Бундан ташқари ҳар бир бола оилада ўз мавқеи бўлишига ҳаракат қилади. Шунинг учун боланинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиш, баъзан катталарнинг ҳам ҳар вақт эсига келмайдиган антиқа гап айтганида бундан қувониш керак. «Ҳурмат қилсанг — ҳурмат кўрасан», деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун фарзандларни ҳам ўз ўрнида ҳурматини сақлаган ҳолда муомала қилиш самимийлик ва меҳрибонлик белгисидир.

Болаларнинг руҳий дунёсига кириш учун ота-она психолог бўлиши шарт эмас. Ёш бола табиат, атроф-муҳит, одамлар, одатлар, қушлар, ўсимликлар, ҳайвонот олами, ранг-тасвир қўйинг-чи, дунёдаги бор нарсалар ҳақида билишни, ўрганишни истайди. Шунинг учун ҳар нарса тўғрисида қизиқиш билан, кетма-кет савол беради. Бу саволларга тўғри жавоб бериш, улар онгини ўстириш, фикрини бойитиш, билмаганларини ўргатиш ота-онанинг муқаддас бурчидир. Баъзан боланинг берадиган саволи кўпайиб кетса, «Овозинг ўчкур, намунча эзма бўлмасанг, ҳар нарсани сўрайверидинг-ку», деган жавобни эшитиб, ранжиб қоламиз.

Бола билишга интилган саволга содда, ихчам ва эсда қоладиган жавоб бериш, уларнинг қизиқувчанлигини орттириш керак. Катта ёшдаги одамлар кичикларга қараганда кўпроқ билимга, ҳаёт тажрибасига, меҳнат малакасига эга. Бола инсон деган улуғ номни доимо пок сақлаб, шу номга муносиб бўлиши учун меҳнатга тўғри муносабат, малака ва кўникмаларни ёшлигида олиши лозим. Бола тарбиясида уларни меҳнатга бўлган меҳрини орттириш, қилган меҳнатидан, бажарган ишидан завқ олиш ҳисобини гўдаклигидан бошлаб таркиб топтириш лозим.

...Кунларнинг бирида катта бозор майдонида бир киши ёш йигитчани урар, йигитча бўлса дод-фарёд солиб йиғлар эди. Улар атрофига тўпланган томошабинлардан бири сўради:

— Бу йигитча ким?

— Ўғлим.

— Нега ураяпсиз?

— Айтган ишимни қилади.

— Қизиқ одам экансиз-ку, айтган ишингизни қилса, бунинг нимаси ёмон?

— Ёмон томони шундаки, фақат мен айтган, кўрсатган ва буюрган ишимни қилади, бўйи бўйимга тенг, жисмонан соғлом, катта йигит бўлиб қолди, лекин ўз ақл-идроки ва фаҳм-фаросати билан лозим бўлган ишни қилмайди...

Ҳозирги ёшлар орасида ҳам фақат айтган ишингизни қиладиган, шунда ҳам ўрнига қўйиб, қойилмақом қилиб бажара олмайдиганлари жуда кўп. Оилада фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асосий омили болада виждон, диёнат, иймон-эътиқодни шакллантиришдан иборат. Бунга шахсий намуна кўрсатиш, ибратли характер-хислатларга эга бўлиш, фарзанд қалбига йўл топа олиш ва ишонтириш орқали эришиш мумкин.

Болаларнинг тарбиясига ота-оналарнинг ўзлари кўпроқ сабабчи бўладилар. Баъзан фарзандларига яхшилик қиламан деб ёмонлик қилиб қўйганларини ўзлари сезмай қоладилар.

Халқимизнинг феъли шунчалар кенгки, ёмон кун, ёмон иш, ёмон сўз ва ёмон одат ҳақида гап кетганда, «Бу кунни душманга ҳам раво кўрмайман», дейди. Лекин айрим-ота-оналар ёмон хулқли фарзанд ўстириб ўз бошига ташвиш тушаётганига эътибор бермайдилар.

Афсуски, ҳозирги ёшлар орасида баъзан ота-онасига эътиборсиз, ҳатто уларни ранжитадиган кимсалар ҳам учраб туради. Баъзи ноқобил фарзандлар куч-қувватдан қолган, жисмоний кекса ота-оналарини қариялар уйига элитиб ташлаяпти. Ота-онанинг фарзандини дунёга келтириб, не-не орзу-умидлар билан ўстириб, емай едириб, киймай кийдириб, яхши ниятлар билан ўқитиб, умр бўйи шу фарзанд учун меҳнатдан боши чиқмай топган обрўси шу бўлдими? Яхши ҳамки бундай фарзандлар жуда озчиликни ташкил этади. Лекин яхшига нисбатан ёмон кўзга тушган чўпдек яққол кўринади. Аслини олганда фарзандининг чин инсон бўлиб етишмоғида ота-она, мактаб, ўқитувчи ёрдамчи восита. Ҳар бир фарзанднинг ўз эътиқоди, ор-номуси, виждони, шарм-ҳаёси бўлсин. Аввало ҳар бир ўғил-қизнинг ўзи инсофли-диёнатли бўлсин.

Яхши фарзанд наслнинг давомчиси, ота-онанинг қўш қаноти, оиланинг чароғбони, хонадоннинг устуни, уйнинг кўрки ва қувончи, авлоднинг шодлиги, инсон қалбининг фахри, умр баҳорининг чаманидир.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

** «Маҳалла ва бола тарбияси» мақоласи—муҳокамада*

УМР БАҲОРИНИНГ ЧАМАНИ



Мана бир неча йилдирки, касаба уюшмаларининг кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти қошидаги тош кўтариш ва атлетизм тўғарагини Ўзбекистон ва собиқ Иттифоқнинг кўп марта чемпиони, спортнинг бу турига 30 йиллик умрини бахшида қилган Камол ака Панахов бошқармоқда. Ҳозирда Камол ака муҳандислар, қурувчилар, талабалар ва ўқувчилардан ташкил топган бир гуруҳ тош спорти ишқибозларига ўзининг кўп йиллик тажрибалари асосида сабоқ бермоқда.

СУРАТДА: К. Панахов (ўнгда) ва республика ҳамда шаҳар чемпиони, қурувчи Рашид Иброҳимовлар ўзларининг севимли машғулотлари билан шуғулланмоқдалар.

Равиль Альбеков сурати.

** Жиноят жазосиз қолмайди*

БИР ЖАНЖАЛ ҚУРБОНИ

МАҚОЛАНИ шундай номлашимнинг боиси бор. Аслида-ку, ҳаётдан бевақт кўз юмган, қурбон бўлган одам битта. Лекин шу фожиада ихтиёрсиз равишда қотил бўлиб қолган йигит ҳам тасодиф қурбонидир. Арзимаган жанжал оқибатида эндигина 26 баҳорни кўрган навқирон бир йигитнинг умри ҳазон бўлди. 30 ёшли иккинчи бир йигит эса суюкли фарзандларини бағрига босишга зор бўлиб панжара орқасида, қора курсида ўтирибди, пешонасига «қотил» деган тавқи-лаънат тамғаси босиляпти...

Маҳмуджон асли Андижон вилоятининг Тўраобод қишлоғидан. Оиладаги 9 фарзанднинг энг кенжатойи эди. У ўрта мактабда яхши ўқиди. Мактабни тугатгач, 2 йил армияда йигитлик бурчини ўтаб қайтгач отаси Маҳаматжон акага Тошкентда — институтда ўқиш нияти борлигини айтди. Ота-онаси кўзимиз тириклигида ўғлимиз билимли, ҳунарли бўлиб қолсин деб, унга оқ фотиҳа беришди. 5 йил мусофирчиликдаги талабалик йиллари ҳам ўтиб кетди. Энди эрта-индин диплом олиб, уйга, қадрдон қишлоғига, ота-онасининг бағрига қайтаман деб турганди, фожиа юз берди.

Кечагина уни Андижондан кузатаётган ота-онаси, ака-укалари (у фожиадан 1 кун олдин 2—3 кунга уйига бориб келганди) Маҳмуджон поездга ўтираётганда уни охирги маротаба кўришаётганини, эртага ўғиллари ҳаёт билан абадий хайрлашишини билишганда эди, уни Тошкентга юборишмасди. Ахир улар «Ўғлимиз эрта-индин диплом олиб бағримизга қайтади, кўпи кетиб ози қолди, ҳадемай Маҳмуджоннинг тўйини қилиб, орзу-ҳавасини кўрамиз», — деган умидлар билан уни йўлга кузатишган эди...

Жанжал арзимаган нарсадан чиқди. Маҳмуджон ётоқхонада бир хонада яшайдиган дўсти билан касалхонага кетаётган эди. Улар Олой бозоридан майда-чуйда харид қилиш учун трамвайга чиқдилар. Худди шу трамвайда 8 ёшли ўғилчаси билан бозор-ўчар учун Виктор ҳам кетаётган эди. Кичик бир тушунмовчилик, бир қўполлик жанжалга айланиб кетди.

Ахир трамвайнинг ўзида бунга нуқта қўйса бўларди-ку? Йўқ, афсуски, бундай бўлмади. Келишмовчилик трамвайдан тушгач бозорга кираверишда катта жанжалга айланди. Охири эса фожиа билан тугади. Калтакланган Виктор Маҳмуджонга пичоқ уриб қўйди. Тиғ бориб юракка қадалди. Маҳмуджон касалхонага олиб кетилаётганда машинада жон берди.

Мен жиноий иш билан танишаётганимда, ўликхонада тузилган бир ҳужжатни ўқиб, туриб, кўзларимга ёш келди. Марҳумнинг қийимлари, ёнидан чиққан нарсалари орасидаги тўр халта ичида беморга атаб Амир Темур кўчасидаги ошхонадан олинган сомсалар ҳам бор экан. Ҳужжатда сомсалар ҳали совиб ҳам улгурмаган, иссиққина деб қайд қилинган. Одам ҳаёти ҳам шунчалик омонат экан-да. Қарангки марҳум ҳам, унинг қотили ҳам эрталаб уйларидан хайрли ниятда, ўзларининг кундалик ташвишлари билан чиққан эдилар. Ўз қизиққонликлари, бир лаҳзалик эҳтиётсизликлари уларга бунчалик қимматга тушишини билмай қолишди. «Мен уни ўлдириш ниятим йўқ эди. Бунақа бўлишини билганимда умуман бозорга бормас эдим» — бу сўзларни қора курсида ўтирган йигит пушаймонлик билан бир неча маротаба такрорлади.

Навқирон ўғлини тупроққа қўйган онанинг фарзанд доғида чекаётган фарёдларини кўз олдингизга келтираётибсизми? Қора курсида ўтирган ўғлининг аҳволига куйиб, зор-зор йиғлаётган онаизорничи? Лекин унинг ўғли ноҳақ жазоланаяптимикин? Ахир у атайлаб бўлмасада ёш бир йигитнинг ўлимига қолди-ку. У бу инсоннинг мусофирчиликда қийналиб ўқиб роҳатини кўрмай, беному нишон, бирорта зурриётсиз ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлдику.

Бир неча кун давом этган одил суд мажлисида воқеанинг бутун тафсилотлари ,ирик-чирикларигача атрофлича ўрганиб чиқилди. Оқибати ўлим билан тугаган жиноятнинг катта-кичиги йўқ. Чунки бу жиноят орқасида инсон ҳаёти масаласи кўндаланг турибди. Қонун барча учун баробардир.

Мени бир нарса ҳамон қийнамоқда. Ахир бу фожиа қоронғу тунда, овлоқ жойда эмас, куппа-кундуз куни, одамлар билан энг гавжум Олой бозори ёнида бўлиб ўтдику. Айбланувчи йигит ҳам атрофдаги кишилар ичида уларни ажратиб қўядиган бирорта мард топилмаганлигини куйиб-пишиб айтди. Ҳимоячи ўз сўзида «Бепарволик бизнинг жамиятимизнинг иллатидир. Менга тегмаётибдими, демак менга бунинг алоқаси йўқ, деган касаллик илдиз отиб бораётибди», деб айтиб ўтди. Ҳақиқатан ҳам томоша талаб оломон, йўл четидаги кўчма расталарда савдо қилаётганлар, «Чеҳра» қаҳвахонасидаги хўрандалар, ишловчилар, ходимлар, кўчадан у ёқ-бу ёққа ўтаётган йўловчилар наҳотки бу жанжални яхшиликча бартараф қилолмасдилар?

Мен бир неча вақтдан бери Юнусобод туман халқ судида маслаҳатчи сифатида суд мажлисларида қатнашиб келаман. Жуда кўп жиноий ишларнинг кўриб чиқилишида иштирокчи бўлганман. Ушбу воқеа эса менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Шу сабаб азиз одамлар, сизларга мурожаат қилмоқчиман. Кўзингизни каттароқ очинг, эҳтиётсизлик қилманг. Бепарво бўлманг. Умрлар бевақт хазон бўлишига йўл қўймайлик.

Лобар ОРИФЖОНОВА,
Юнусобод тумани халқ суди маслаҳатчиси.

ЎЗБЕКИСТОН—КУЧЛИ ОЛТИЛИКДА

ОСИЁ волейбол федерацияси таркибига кирувчи 14 давлат (жумладан Австралия ва Янги Зеландия вакиллари) Шанҳай (Хитой)даги муҳташам спорт саройида қитъа чемпиони унвонини олиш учун қизғин баҳс олиб бордилар. Мусобақалар тўрт гуруҳга бўлинган жамоаларнинг ўзаро учрашувларидан бошланди. СКИФ — «Интеркросс» ва «Автомобилист» клублари ўйинчиларидан тузилган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки ўйинда Шри-Ланка вакилларини 3:0 ҳисобида енгган бўлса, кореяликларга худди шу ҳисоб билан ютқазиб қўйдилар. Ўз гуруҳидаги сўнгги жамоа — Австралия волейболчи қизлари устидан эришилган ғалаба вакилларимизга навбатдаги босқичга йўлланма олиш имконини берди. Хитой волейболчиларидан енгилиб, унинг «аламини» индонезияликлардан олган (3:0) Ўзбекистон терма жамоаси — Қозоғистон терма жамоаси билан бешинчи — олтинчи ўринлар учун кураш олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритди. Афсуски, ҳал қилувчи ўйинда омад вакилларимиздан юз ўгирди.

Осиё чемпионати шубҳасиз волейболчиларимиз учун катта синов бўлди. Қолаверса, ўндан ортиқ давлатлар ўртасида кучли олтиликдан ўрин олиш бундай йирик мусобақада илк бор қатнашган спортчиларимиз учун ҳар қанча мақтанса арзигулик натижа. Буни Осиё волейбол федерацияси президенти жаноб Мацудайра (Япония) ҳам эътироф этиб ўтди. Шунингдек, қитъа федерациясининг волейболчи қизларимизни 1994 йилда Хиросимада ўтадиган Осиё ўйинларига расмий равишда таклиф этганини ҳам инобатга олсак, ўзбек волейболчиларидан янада юксакроқ натижалар кутишга ҳақлимиз.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

** «01» хабар беради*

Шу йилнинг август ойида шаҳримиз ҳудудида жами 326 та ёнғин содир бўлиб, унинг натижасида 2 киши ҳалок бўлган, 12 нафар киши эса оғир жароҳатланган. Ёнғиндан кўрилган умумий зарар эса 12 миллион 188 минг 210 сўмни ташкил қилди.

◎ 1 август куни Сергели туманининг 7-Қўйлиқ даҳасида жойлашган 6-уйнинг 57-хонадонида кечаси соат 24 дан 30 дақиқа ўтганида ёнғин чиққанлиги ҳақида хабар олинди. Буни қарангки, хонадон соҳиби Эллярон Пак бензинни уйида сақлаган. Шу бензиннинг эҳтиётсизлик билан сақланиши туфайли рўй берган портлаш натижасида Э. Пакнинг турмуш ўртоғи куйиш жароҳати олиб касалхонада вафот этди. Хонадон эгаси ва унинг 6 ёшли ўғли Александр Пак касалхонада даволанмоқда. Бундан ташқари уй жиҳозларининг кўпгина қисми ҳам ёнғиндан зарар кўрди.

◎ 4 август куни Собир Раҳимов туманидаги Уста Ширин кўчаси, 106-уйда жойлашган подшипникларни таъмирлаш корхонасининг омборхонасида ҳам ёнғин содир бўлди. Ўт ўчирувчилар томонидан ёнғинга тез орада барҳам берилди, бироқ корхона 58 минг 352 сўмлик зарар кўрди. Ёнғин электр симларининг қисқа туташувидан келиб чиққанлиги аниқланди.

◎ 19 август куни ҳам шу туманнинг Сағбон кўчасидаги 11-боши берк кўчанинг 39-хонадонида кеч соат 22 дан 50 дақиқа ўтганида ёнғин чиққанлиги ҳақида хабар олинди. Хонадон соҳибаси Ж. Эшмуҳамедованинг ошхонада ёғни газга қўйиб, бепарво юриш натижасида келиб чиққан ёнғин фақатгина унинг уйига эмас, қўшни 41, 12-хонадонларга ҳам ўтиб, жиддий зарар етказди. Натижада жами 145 минг сўмлик зарар кўрилгани қайд қилинди.

Кўриниб турибдики, ёнғинлар асосан эътиборсизлик, бепарволик натижасида келиб чиқяпти. Энг ачинарлиси, бугунги иқтисодий тақчиллик пайтида ёнғинлар фақатгина минглаб сўмлик зарар етказибгина қолмай, балки кишилар ўртасида ҳалокатли ҳодисаларга ҳам олиб келяпти. Ўйлаймизки, шаҳримиз аҳли юқоридаги ҳодисалардан тегишли хулоса чиқариб иложи борича ёнғиннинг олдини олиш чораларини кўрадилар.

Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармасининг давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлими.

** Бу—қизиқ*

МИЛЛИОН КУЧИ

● МИЛЛИОН деган ном 1500 йилда Италияда пайдо бўлган. Агар миллион киши қўлма-қўл ушлашиб занжир ҳосил қилса, занжирнинг бир учи Киевда, иккинчи учи Архангельскда бўлади.

● ОДАМ миллион марта катталаштирилса ётганда Фин қўлтиғидан Қримгача чўзилади.

● МИЛЛИОН кун 27 аср, миллион секунд 11 сутка, 13 соат 46 дақиқа 40 секунд демакдир.

● МИЛЛИОН ҳарфли китоб 600-800 бетни ташкил этади.

● АГАР китоб миллион бетли бўлса унинг қалинлиги 50 метр бўлар эди.

Акбар АЛИЕВ
тайёрлаган.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Бутунжаҳон Шарқ табобати марказининг шифокори, Ўрта Осиёдаги энг кучли муолажакор, сеҳрли бармоқлар соҳиби, табиби ғайб

МАҲМУДЖОН САЙДУЛЛАЕВ

халқимизнинг кўпсонли талаб ва истакларини инобатга олиб

10 сентябрь СОАТ 8.00 дан бошлаб

ТошДУ МАДАНИЯТ САРОЙИДА

СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ МУОЛАЖАЛАР ТУРКУМИНИ БОШЛАЙДИ

Сеанслар давомида юрак-қон томирлари, буйрак, тери, ўт пуфаги, жигар, ўн икки бармоқли ичак яллигланиши, нафас йўллари, бефарзандлик, мижоз сустлиги, аёллар ва болалар касалликлари, рухий хасталиклар, қулоқ томоқ-бурун, кўз, тиш касалликлари ва ҳоказо дардлардан азоб чекаётган беморлар 6-8 сеанс ичида шифо топадилар. Бундан ташқари, мазкур муолажа сеанслари натижасида:

— ҳаётда омади чопмаган, ишга киролмай юрган кишиларнинг ишлари юришиб, мушкуллари осон бўлади ва руҳий имкониятлари ошади;

— бахти очилмаётган қиз-йигитлар учун тақдир эшиклари очилади;

— ажралган оилалар тикланади;

— йўқолган ёки бедарак кетган кишиларингиздан хабар келиши ёки уларнинг ўзлари кириб келиши, шунингдек, йўқолган ҳайвонларингиз ва бошқа мол-мулкларингиз топилиши мумкин;

— яроқсиз тишлар ҳеч қандай оғриқсиз олиб ташланади;

— кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлар даволанади;

— сеансларга келиб, шахсан қатнашиш имкониятига эга бўлмаган беморлар суратлари орқали даволанишлари ҳам мумкин.

Сеансларда беморлар якка тартибда қабул қилинадилар.

АГАР СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ. ТАНИҚЛИ ТАБИБ МАҲМУДЖОН САЙДУЛЛАЕВ СЕАНСЛАРИГА ШОШИЛИНГ!

Сеанс давомида ғайри оддий ходисалар юз беради, руҳлар тиг тегизмасдан жарроҳлик амаллари (операция)ни ўтказади, боболар ва момолар хонадонингизга ташриф буюриб, даволаб кетишади.

ЭСЛАТМА: сеанслар бошланишига уч кун қолганда, яъни 5 сентябрдан бошлаб беморлар ўз хонадонларида оппоқ дастурхон ёзиб, унинг устига бир пиёла сув, бир пиёла ун, бир пиёла шакар ва яқин кишиларининг суратларини қўйишлари лозим, 10 сентябргача, яъни сеанс бошлангунга қадар бу нарсаларда ҳар хил белгилар, шакллар, нишонлар пайдо бўлиши кутилади.

Хонадонларингизга нуроний қиёфадаги бобо ва момоларингиз руҳлари ташриф буюриб, Сиз билан мулоқотда бўлишлари ҳам мумкин. Эшиклар ўзидан-ўзи очилиб ёпилса, чироқларингиз ўзидан-ўзи ўчиб ёнса, баъзи бир буюмларнинг ўрни ўзгариб қолса ёхуд ҳар хил нарсалар пайдо бўлиб қолса, билингки, Маҳмуджон Сайдуллаев руҳлари ҳамиша Сиз билан бирга!

ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг 201/202-Тошкент—Тель-Авив—Тошкент халқаро рейси Тель-Авивга Деҳли, Бангкок ва Франкфурт шаҳарларидан валюта ҳисобига қатновчи транзит йўловчилар учун банд қилиб қўйилганлигини маълум қиламиз. Шу сабабдан мазкур рейсга Тошкентдан авиачипталарни сотиш учун имконият йўқ. Шу муносабат билан ўзингизнинг хорижга парвозингизни иқтисодий, бизнес ва биринчи класс салонларига эга бўлган, 203/204-Тошкент—Тель-Авив—Тошкент рейсига ҳафтанинг тўртинчи кунлари қатнайдиган А—310 самолётларига режалаштириб, чипталар харид этишингизни илтимос қиламиз. Мазкур самолёт жаҳон андозаларининг барча талабларига жавоб беради; ойнаи жаҳон ва видеосистема билан жиҳозланган. Хизмат кўрсатиш даражаси ҳам юқорида айтиб ўтилган классларга тўғри келади. 203/204-рейсига авиачипталарни эркин тарзда сотиш йўлга қўйилган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Халқаро агентлигига хуш келибсиз!

Тоза сув - ҳар бир хонадонга !

"УЛУҒБЕК" МУҲАНДИСЛИК МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

"АКВА" ичимлик сувини тозалаш учун қўлланиладиган фильтрлар.
"АКВА" юқори самарали, енгил, ихчам фильтр водопровод сувини қўрғошин, симоб, мис, кадмий, кобальт, темир, рухлардан, уларнинг бирикмасидан, радионуклидлар, дағал тузлардан, ёқимсиз хид ва ҳоказолардан тозалайди.

Бир соат ичида Сиз 20 литр экологик тоза сув оласиз !

ФИЛЬТРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТНИ 5 ЙИЛ МОБАЙНИДА АЛМАШТИРМАСДАН ИШЛАТСА БЎЛАДИ.

Ҳақ тўлаш тартиби - турлича. Чакана нархда ва кўтарасига харид қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефонлар:
76-66-72, 34-87-04, 22-06-44

Бизнинг фильтрларни Сиз Гоголь кўчаси, 38-уйда жойлашган "Электроника" дўконидан сотиб олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси 200-уйда жойлашган

«ТАШШАҲАРЮКТРАНС» КОНЦЕРНИНИНГ

145-АВТОКОРХОНАСИ

Давлат мулкчилик қўмитасининг 1993 йил 27 апрелдаги 179К—ПК сонли буйруғига асосан

ЁПИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИГА

АЙЛАНТИРИЛГАН

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.50

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6